Эшимова Ш.К.

# КОРЕЙС ТИЛИ КЕЛИШИКЛАРИ ТИЗИМИ



81.2
Э 98
59485(5)

Эшимова Ш. Корейс тили келишиклари тизими.- Самарканд: СамДЧТИ, 2019.-72 б. 5000 сум

4
Э 98
812 Кор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Эшимова Ш.К.

# КОРЕЙС ТИЛИ КЕЛИШИКЛАРИ ТИЗИМИ

Ўқув-услубий қўлланма

Самарқанд – 2019

УДК 4

Эшимова Ш.К. Корейс тили келишиклари тизими, ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд, СамДЧТИ, 2019. – 72 бет

*Қўлланма "Лингвистика" соҳасида таълим олаётган 1-курс магистрлари учун мўлжалланган ўқув-услубий қўлланма бўлиб корейс тилидаги келишикларнинг қўлланилиш усуллари ва хусусиятларини ўз ичига олган бўлиб кейинчалик уларни амалиётда қўллашларига ёрдам беради.*

Такризчилар: ф.ф.н., доц. А.С.Раҳимов
катта ўқит. М.А.Байматова

Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий кенгашида (2019 йил 29 майда №10-сонли баённомаси) кўриб чиқилган ва кенгаш қарори асосида ўқув-услубий қўлланма сифатида чоп этишга тавсия этилган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти, 2019

## СЎЗ БОШИ

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада корейс тилидаги келишик категориясининг ўзига хос хусусиятлари, қўлланилиш усуллари янада чуқуррок, аниқ ва конкрет масалаларнинг назарий жиҳатлари *ёритилган бўлиб магистратуранинг биринчи курсида ўтиладиган* танлов фан учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий қўлланма корейс тили келишиклари тизими фанининг намунавий дастури асосида тузилган бўлиб, унда 18 соат маъруза ва 18 соат амалий дарсларда муҳокама қилинадиган материалларни ёритишга ҳамда ушбу масалаларни мисоллар ёрдамида мустаҳкамлашга эътибор қаратилган. Бунда корейс тили келишик катогориясига оид сўнгги назариялар ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшаш ва бир-биридан фарқли хусусиятлари тўғрисида кенгрoқ маълумот беришга ҳаракат қилинди. Талабалар ўқув-услубий қўлланмада берилган ўқув материалларидан корейс тили келишиклари тизимига оид назарий ва амалий билимларга эга бўлиши билан биргаликда бадиий адабиётларда қўлланиладиган турли мисоллардан фойдаланиш, уларни амалий жиҳатдан қўллаш кўникмаларини ривожлантириш имкониятига эга бўладилар деган умиддамиз.



SamDCHTI ARM
№ 59485 (5)

# 1-МАВЗУ
# КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

## 1-дарснинг амалий машғулот режаси

1. Келишик қўшимчасининг турлари ва хусусиятлари
2. Бош маънони англатганда ишлатиладиган 보조사
3. Мустасно ёки чегараланганлик маъносини англатувчи 보조사

**Ўқув мақсади:** Талабаларда келишик категориялари ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш

Отнинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабатини кўрсатувчи маънолар ифодаловчи формалар системаси *келишик категорияси* дейилади. Ўзбек тилида келишик категорияси олти грамматик маъно ёки олти келишикни бирлаштиради: *бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиш келишиги.*

Келишиклар ифода қиладиган муносабатларнинг умумлашган маънолари сўзлар парадигмасида эмас, сўз бирикмасида шаклланади, яъни бундай маънолар синтагматик характерда бўлади.

Отларнинг келишик формалари билан ўзгариши турланиш, келишик аффиксининг ўзи эса турловчи дейилади.

Ҳар бир келишикнинг ўз формаси, маъноси ва синтактик вазифаси бор.

Масалан, жўналиш келишиги от, олмош, сон ва отлашган сўзларга қўшилиб, от билан феъл орасидаги синтактик муносабатни кўрсатади. Унинг асосий маъноси ҳаракатнинг йўналиши ўрнини билдиришидадир. Бундан ташқари пайт, аташ, сабаб, мақсад маъноларини ҳам ифода қилади.

1. Қаратқич келишиги от билан отни грамматик алоқага киритади: *китобнинг варағи, одамнинг гавдаси.*

2. Тушум, жўналиш, ўрин, чиқиш келишиклари отни феъл билан алоқага киритади: *китобни ўқиди, бозорга бордим, мактабда кўрдим, институтдан келдим.*

Келишик формасидаги отлар от ва феълдан бошқа туркумдаги сўзлар билан ҳам муносабатга киришади: *Отдан баланд, итдан паст.* (Топишмоқ.) *Уят ўлимдан қаттиқ.(Мақол.)*

Корейс тилида улар 조사 деб аталади. Корейс тилида ҳам олтита келишик мавжуд бўлиб улар қуйидагилардир: бош келишик, тушум келишиги, аниқловчи келишиги, равиш келишиги, ёрдамчи кўшимчалар келишиги ва боғловчи кўшимчалар келишиги.

<table>
<tr><th colspan="3">Кўшимчалар тури (조사의 분류)</th><th>Кўшимчалари(형태)</th></tr>
<tr><td rowspan="9">Келишиклар номи (격조사)</td><td colspan="2">Бош келишик (주격조사 )</td><td>-이/가, -께서</td></tr>
<tr><td colspan="2">Тушум келишиги (목적격조사)</td><td>- 을/를</td></tr>
<tr><td colspan="2">Қараткич келишиги (관형격조사)</td><td>-의</td></tr>
<tr><td colspan="2">Предикат келишиги (소술격조사)</td><td>-이다</td></tr>
<tr><td colspan="2">Боғлама ясовчи келишиги (보격조사)</td><td>-이/가 아니다, 되다</td></tr>
<tr><td colspan="2">Чакириш (호격조사)</td><td>- 아/야, -(이)여</td></tr>
<tr><td rowspan="3">(부사격 조사) Ҳол ясовчи келишик</td><td>Жўналиш (여격조사)</td><td>-에,-에게/한테, -께</td></tr>
<tr><td>Чиқиш (처격조사)</td><td>-에서,-에게서,한테서</td></tr>
<tr><td>Восита (조격조사)</td><td>- 으로</td></tr>
<tr><td colspan="3">Ёрдамчи кўшимчалар 보조사</td><td>-은/는, -만, -도,<br>-부터, -까지, -부터,<br>-까지, -밖에, -든지, -조차, -마저, - 마다<br>-(이)나, -(이)야,<br>-보다, -처럼</td></tr>
<tr><td colspan="3">Боғловчи кўшимчалар 접속조</td><td>-와/과, -하고, -(이)랑,<br>-(이)며</td></tr>
</table>

Келишик кўшимчалари от ва от вазифасида келувчи сўзлар охирида кўшилади яъни пастдаги 형, 집 ва 어떻게 사느냐 каби сўз бирикмасидан кейин -이 ёки -가, -을 билан бирга келган кўшимча келишик кўшимчаси яъни 조사 дир.

형이 집을 샀다. Акам уйни сотиб олди.

어떻게 사느냐가 가장 중요한 문제다. Қандай яшаш энг муҳим масала.

Ўзбек тилида бош келишик қўшимчасининг ўзи йўқ лекин, корейс тилида улар мавжуд ҳамда отга бирикиб келади ва таржима қилинмайди. Чунки гап таркибидаги от вазифасида келган сўзлар албатта қўшимча олишлари керак. Агар қўшимча қўшилмаган ҳолат бўлса бош келишик қўшимчаси қўшилиб ишлатилади. Унинг функцияларини бир неча турга ажратиш мумкин. Аввал келишик бирга келган гап таркибида қандай вазият юзага келади. -이 ва -을 ни 형 ва 집 деган сўзларга қўшилиб улар 샀다 кесимининг эгаси бўлиб тўлдирувчи вазифасида келган. Улар корейс тилида 격조사 дейилади. Бошқа томондан бу қўшимчалар олдинги маънога қўшимча қилувчи функцияга эга бўлиб 보조사 деб аталади.

격조사 ўз ичига бош келишик, тушум келишик, қаратқич келишик, предикат, чақирувчи қўшимчалар ва ҳол ясовчи келишигини ўз ичига олади.

**보조사 категориялари.** Таққослаш маъносини англатганда ишлатиладиган «보조사» -은/는 ҳисобланади. Берилган мисолларнинг барчасида таққослаш маъноси мавжуд.

간다.

일본어는 할 줄 알아요. Япон тилида гаплаша оламан.

아무리 싫어도 학교는 가야지. Ҳар қанча ёқмаса ҳам мактабга бориш керак.

미국에 가 보기는 했지요. Америкага бориб кўрганман.

**Бош маънони англатганда ишлатиладиган «보조사».** Булар -은/는 қўшимчалари орқали бош маънони англатилади.

(4) 그사람은 아들이 의사예요. У одамнинг ўғли врач.

저는 미국에서 온 마이클입니다. Мен Америкадан келган Майклман.

고래는 물고기가 아닙니다. Кит балиқ эмас.

Тўртинчи мисолдан кейин « -은», «-는» от ва олмошга қўшилган. Бу каби «-은/는» қўшимчалари фақат гап олдида келган гап компонентидан кейин бош маънони англатади. У одатда сўзловчи ва тингловчига маълум бўлган одам, предмет ёки объектни қамраб олади. Мисолнинг биринчи ва иккинчи

жумласидаги «그 사람», «저» сўзловчи ёки тингловчига маълум шахс. Учинчи жумласидаги «고래» умумий объект ҳисобланади.

**Мустасно ёки чегараланганлик маъносини англатувчи «보조사»** «만», «밖에», «뿐» барчаси «오직» нинг мазмунини олдиндан англатувчи объектдан ташқари бошқа нарсани истисно қилиш маъносига эга. Бу каби маъно «배타적인 의미» деб айтилади. Яъни «배타적인 의미» ўзидан олдин келган нарсадан истисно қилиш дегани.

나는 영미만 좋아한다. Мен фақат Ёнгмини яхши кўраман.

나는 영미밖에 좋아하는 사람이 없다. Менинг Ёнгмидан бошқа яхши кўрадиган одамим йўқ.

내가 좋아하는 사람은 영미뿐이다. Мен яхши кўрадиган одам фақат Ёнгми холос.

Юқорида берилган мисолнинг уч жумласи бир хил маънога эга. Лекин «밖에», «뿐» ни «만» билан ишлатилиш қоидасида фарқ бор. Истисно маъносининг «밖에» ноаниқ алоқаси мисолнинг иккинчи жумласидагидек «~밖에 없다» га ўхшаш структурагина ишлатилади. Бошқа томондан эса «뿐» олдинги сўз нима бўлсада ундан кейин «이다» ёки «아니다» келиши шарт. Ундан ташқари бошқа ҳар қандай кесим билан кела олмайди. Лекин «아니다» кесим бўлиб келганда, «뿐» ва «만» билан бирга ёзилиб, «뿐만 아니다» тартибида ёзилади.

오늘 학교에 온 사람은 민수뿐이다. Бугун мактабга келган киши фақат Минсу холос.

오늘학교에 온 사람은 민수만이아니다./ 민수뿐이아니다. Бугун мактабга келган киши фақат Минсу эмас/эмас холос.

나는 밥뿐 먹었다. Мен фақат гуруч едим холос.

나는 편지를 민수에게뿐 보냈다. Мен хатни фақат Минсуга жўнатдим холос.

Ўз ичига олганда ёки аксинча бўлган вазиятда ишлатиладиган «보조사»

«도», «조차», «마저» ва ҳ.к 더 첨가하여? 더 나아가서 ни ўз ичига олишини ёки аксинча етказиб беради.

민수도 나를 떠났다. Минсу ҳам мени тарк этди.

민수조차 나를 떠났다. Ҳатто Минсу ҳам мени тарк этди.

민수마저 나를 떠났다. Ҳаттоки Минсугача мени тарк этди.

민수까지 나를 떠났다. Минсугача мени тарк этди.

Мисолнинг ҳар бир жумласида ўша маънонинг озроқ фарқи бўлсада, умумий томондан «민수» билган бошқа одам ҳам «나를 떠났다» маъносини ҳам ўз ичига олади. Лекин «도» ва «까지» бўлишли ва инкор шаклини иккаласини биргаликда ишлатиб бўлсада, «조차» ва «마저» сўзларини фақатгина инкор формада ишлатилади.

**Таянч сўзлар:** 조사, 분류, 격조사, 형태, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사.

### Мавзу бўйича саволлар

**1)** Келишик категорияси ўзи нима?

**2)** Корейс тилида келишикнинг қандай турлари мавжуд?

**3)** 보조사 қай ҳолларда бош маънони англатади?

**4)** Мустасно ёки чегараланганлик маъносини англатувчи 보조사 қўшимчаларига қайсилар киради?

### Адабиётлар:

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005

3. Со Чонг Су. Грамматика корейского языка. Изд-во университет Ханянг.2003.

4. Корейсча-русча луғат

## 2-МАВЗУ
## ҚЎШИМЧАНИНГ ХУСУСИЯТЛАР ВА ТУРЛАРИ

### 2-дарснинг амалий машғулот режаси

1. Келишик қўшимчасининг турлари ва хусусиятлари
2. Эгани ифодаловчи қўшимча
3. Тўлдирувчини ифодаловчи қўшимча
4. Келишик қўшимчаларининг бошқа тилларда қўлланилиш ҳолатлари

**Ўқув мақсади**: Талабаларда қўшимча ва унинг турлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш

Қўшимча умуман олганда от ёки от вазифасини бажарувчи сўз ва гаплардан кейин қўшилади. Яъни, қуйидаги (1) мисолдаги "형"

ва "집" сўзлари, ҳамда "어떻게 사느냐" каби гаплардан кейин қўшилган "이" ёки "가" кабилар қўшимчадир.

(1) 가. 형이 집을 샀다. (Акам уй сотиб олди)

나. 어떻게 사느냐가 가장 중요한 문제다. (Қандай яшаш энг муҳим масаладир)

Қўшимчалар вазифасига кўра бир неча турларга бўлинади. Аввал қўшимча ўртада у қўшилиб келган сўз гапда қандай вазифани бажаришини ифодалаб бериши муҳим. (1 가) мисолида "이" ва "을" қўшимчаларининг ҳар бири "집" ва "형" сўзларига қўшилиб бу сўзлар "샀다" кесимининг эга ва тўлдирувчисини ифодалаб беради. Бундай қўшимчалар "격조사" келишик қўшимчалари дейилади.

**Бошқа тилларда**?

Япон тилида корейс тилидагидек гапда эга ёки тўлдирувчини ифодалайдиган қўшимча бор, лекин инглиз тилида сўзлар тартиби орқали эга ёки тўлдирувчи кабилар ифодаланади, корейс тилидаги "이/가" ёки "을/를" га мос келадиган сўз йўқ. Умуман инглиз тили каби тилларда қўшимчанинг йўқлиги бош келишик ёки тушум келишигига мос келадиган қўшимчанинг йўқлигини билдиради.

Яна баъзи бир қўшимчалар олдиндаги сўзга қўшимча маъно берадиган вазифани бажаради ва бундай қўшимчалар "보조사" ёрдамчи қўшимчалар дейилади.

(2) 가. 중국 음식도 좋아하세요? Хитой овқатини ҳам яхши кўрасизми?

나. 중국 음식을 좋아하세요? Хитой овқатини яхши кўрасизми?

(3) 가. 너는 현교만 좋아하니? Сен фақат буддизмни яхши кўрасанми?

나. 너는 현교를 좋아하니? Сен буддизмни яхши кўрасанми?

(2 가) — мисолидаги '도' ёки (3 가) даги '만' "이/가" ёки "을/를" дан фарқли ўлароқ эга ёки тўлдирувчининг вазифасини ифодалашда ишлатиладиган қўшимча эмас. Уларнинг ўрнида "을/를" ишлатилган (2 나), (3 나) билан солиштириб кўрсак, "도" ва "만" қўшимчалари қўшимча маънони бераётганлигини билиш мумкин.

**돋보기**

"보조사" ёрдамчи кўшимча '격조사' келишик қўшимчасидан фаркли ўларок факат от ёки от вазифасини бажарувчи сўзларгагина кўшилиб келмайди. Шунингдек ёрдамчи кўшимча "보조사" сўзга кўшимча маъно берганлиги сабабли бошқа тилларда ҳам уларга мос келувчи сўзлар мавжуд бўлган ҳолатлар кўп. Масалан, '도' ва '만' инглиз тилида ҳар бири алоҳида маъно берувчи "too" ва "only" га тўғри келади.

Яна кўшимчалар орасида қуйидагидек "와/과", "(이)랑" каби 2 та сўзни боғлаш вазифасини бажарувчи кўшимчалар ҳам бор. Бундай кўшимчалар "접속조사" боғловчи кўшимчалар дейилади.

(4) 가. 저와 영미는 이번 가을에 결혼합니다. Мен ва Ёнгми мана шу кузда турмуш қурамиз.

나. 영수랑 민호는 이번 토요일에 생일 파티에 간대. Ёнгсу билан Минхо шу шанбада туғилган кун зиёфатига боришар экан.

**Келишик қўшимчалари 격조사**

Келишик қўшимчаларига бош келишик, тушум келишиги, аниқловчи келишиги, равиш келишиги, чақирув келишиги қўшимчалари киради. Бош ва тушум келишигида от ёки от вазифасини бажарувчи сўзлар гапда ҳар бири алоҳида эга ва тўлдирувчини ифодалаб, аниқловчи ва равиш келишигини, чақирув келишиги қўшимчалари эса от ёки от вазифасини бажарувчи сўзга қўшилиб аниқловчи, ҳол, мустақил сўз вазифасини бажариб келади.

돋보기

1. Юқорида айтиб ўтилган келишик қўшимчаларидан ташқари ҳам мактаб грамматикасида "이다" от ёки от вазифасини бажарувчи сўзга қўшилиб кесим вазифасини бажаради ва у "서술격조사" "кесим келишиги" деб айтилади ҳамда бу ерда алоҳида тўхталиб ўтилади.
2. Келишик қўшимчаси вазифасини янада тўғри тушуниш учун ҳар бир сўз туркумининг вазифавий хусусиятини тушуниш муҳим. От ва олмош, сон каби сўз туркумлари гапда асосан эга ва тўлдирувчи вазифасини бажаради. Феъл ва сифат гапда асосан кесим вазифасини бажариб келади. Шунингдек сифат отни, равиш феъл ва сифатни безаб келадиган вазифани бажаради. Келишик асосан от билан боғлиқ бўлган элемент бўлиб келгани ҳолда, бош ва тушум келишиги бошқа келишиклар билан хусусият жиҳатидан бироз фарқ қилади. Бу от ёки от вазифасини бажарувчи сўзларнинг гапда асосан бажарадиган вазифаси эга ва кесим бўлганлиги

сабаблидир. Аксинча отга аниқловчи келишиги қўшимчаси қўшилиб, аниқловчи бўлиши ёки отга равиш келишиги қўшилиб ҳол бўлиб келиши, яна отга чақирув келишиги қўшимчаси қўшилиб мустақил сўз бўлиши отнинг асл вазифаси деб айтиш мушкул бўлади. Яъни, бу ҳолда от алоҳида сифат ва равиш, ҳис-ҳаяжон вазифасини бажариб келишини кўриш мумкин.

3. Келишик қўшимчалари бошқа сўз билан грамматик ҳамда маъновий боғлиқликни ифодалаш жиҳатларига бўлинади. Юқорида санаб ўтилган келишик қўшимчалари орасидан қуйидаги (1) мисолидаги каби равиш келишигига қараганда (2) мисолидаги каби бош ҳамда бошқа келишиклар сўзлар билан маъновий боғлиқликни кўпрок ифодалайди.

(1) 가. 사람들이 부산에 왔다. Одамлар Пусанга келди.

나. 사람들이 부산에서 왔다. Одамлар Пусандан келди.

(2) 가. 해림이가 노래를 부른다. Херими кўшиқ куйлаяпти.

나. 해연이가 일본어를 공부한다. Хеёни япон тилини ўрганмоқда.

(1) мисолида тагига чизилган 에 ва 에서 қўшимчалари 왔다 кесими билан маъновий муносабат боғлаган. Бу икки қўшимча маъноларининг фарқидан икки гапнинг маъноси ҳам ўзгарган. Бир томондан, (2) мисолидаги 가 ва 를 бошқа маънони етказиш эмас оддийгина 공부한다 феълининг эгаси ва тўлдирувчисини билдирадиган вазифани бажаради. Шунга кўра маъновий боғлиқликни ифодалайдиган қўшимча маъновий муносабатни ифодалайдиган қўшимчага қараганда тушиб қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

**Эга ва тўлдирувчини ифодаловчи қўшимча.**

Гап тузишда эга, тўлдирувчи ва кесим асосий ҳисобланади. Булар орасидан эга ва тўлдирувчи от ёки от вазифасини бажарувчи сўзларнинг гапдаги бажарадиган асосий вазифасини ифодалайди. Бу вақтда бош ёки тушум келишиги от ёки от вазифасини бажарувчи сўзлардан сўнг қўшилиб улар гапда эга ёки тўлдирувчини ифодалаб келади.

**Таянч сўзлар:** 조사, 분류, 격조사, 형태, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사.

**Мавзу бўйича саволлар**

**1)** Қўшимчалар гапда қандай вазифани бажариб келади?

**2)** Корейс тилида келишикнинг қандай турлари мавжуд?

3) 보조사 нинг келишик кўшимчасидан фарқи нимадан иборат?

**Адабиётлар:**

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.
2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005
3. Со Чонг Су. Грамматика корейского языка. Изд-во университет Ханянг.2003.
4. Корейсча-русча луғат

## 3-МАВЗУ
## БОШ КЕЛИШИК

### 3-дарснинг амалий машғулот режаси

1. Бош келишик кўшимчаларининг турлари ва хусусиятлари
2. 이/가 ни ифодаловчи бош келишик кўшимчаси
3. 께서 ни ифодаловчи бош келишик кўшимчаси
4. 에서 ни ифодаловчи бош келишик кўшимчаси
5. Бош келишикнинг ўзига хос кўлланилиш хусусиятлари

**Ўқув мақсади**: Талабаларда корейс тилидаги бош келишик, унинг кўлланилиш усуллари ва хусусиятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил килиш

**Бош келишикка нималар киради?**

Бош келишик қуйидаги каби бу кўшимча қўшилган сўз гапда эга вазифасини бажариб келишини билдирадиган кўшимчадир.

(1) 가. 친구들이 집으로 왔다. Дўстларим уйга келишди.

나. 어떻게 사느냐가 가장 중요한 문제다. Қандай яшаш энг муҳим масаладир.

다. 할아버지께서 시골에서 올라오셨다. Бобом қишлоқдан келдилар.

라. 학교에서 소풍을 간다. Мактабдан пикникка боряпмиз.

**이/가**

이/가 энг кенг кўлланиладиган бош келишик кўшимчасидир. Қуйидаги каби сўз ундош билан тугаса '이', унли билан тугаган сўзларга '가' кўшилади.

(2) 가. 비가 온다. Ёмғир ёғяпти.

나. 눈이 온다. Қор ёғяпти

(2 가), (2 나) мисолидаги '가' ва '이' ларнинг олдидаги '비' ҳамда '눈' отлари иккала гапда ҳам эгани ифодалайди.

돋보기

1. Бош келишик '이/가' бошқа қўшимчалар билан бирга ишлатилганда хар доим ўша қўшимчалардан кейин келади.

(1) 가.돈이만 전부가 아니다.(x)

나.돈만이 전부가 아니다.(o)

(2) 가.여기가까지 우리 집 땅이야.(x)

나.여기까지가 우리 집 땅이야.(o)

2. '이/기' бош келишик '은/는, 을/를, 도' каби қўшимчалар билан бирга ишлатилмайди.

(3) 가.옷이는 너무 너러워요.(x)

나.한국어 책이를 배웁니다.(x)

다.친구가도 공부합니다.(x)

3.'나' ва '저' '가' бош келишиги билан бирикса ҳар бири '내가' ҳамда '제가' шаклида ёзилиб, '누구' эса '누가' га ўзгаради.

(4)가.내가 (나+ 가) 갈까?

나.제가 (저+ 가) 갈까요?

다.누가(누가+ 가) 갈거니?

4. Қуйидаги каби ундош билан тугаган исмдан сўнг ҳам '이' ёзиладиган ҳолатлар бор, ва бу '이' бош келишик қўшимчаси эмас.

(5) 가.영숙이가 우리 집으로 놀러왔다. Ёнгсуки уйимизга меҳмонга келди.

나.나는 영숙이를 우리 집으로 오라고 했다. Мен Ёнгсукини уйимизга чақирдим.

도움말

Чет элликларнинг исми 'Smith, Ford' каби ундош билан тугаса ҳам '이' эмас '가' қўшилиши ҳолатлари бор. Бу исмлар корейс тилида '스미스, 포드' каби унли билан тугаганлиги сабаблидир.

**께서**

'께서' қўшилиб келадиган сўз юқори мартабали объект ёки ҳурмат ҳамда ҳурматли объект бўлганда ишлатиладиган бош келишикдир. Яъни, '이/가' ўрнига '께서' дан фойдалансак эга

бўлиб келган шахсни юқорига кўтариб ёки ҳурмат қилиш маъноси бўлади.

(3) 가.할아버지께서 말씀하시니 조용히 해라. Бобом гапиряптилар жим бўл.

나.오늘 대담을 위하여 장관께서 나오셨습니다. Бугун суҳбат учун вазир чиқдилар.

다.이번에는 우리 김 선생님께서 많은 애를 쓰셨습니다. Бу сафар Ким домломиз кўп меҳнат қилдилар

(3 가) да эга бўлиб келган '할아버지' билан гаплашаётган киши ўртасида ёш жиҳатдан фарқ бор, (3 나) да эса эга бўлиб келган одам жамиятда мартабаси юқоридир. (3 다) мисолида эга бўлиб келган одам ҳақида ҳурмат маъносини ифодалаб келинган. Бу каби '께서' қўшимчаси эга бўлиб келган шахснинг сўзлаётган одамга қараганда ёши катталиги ёки жамиятда мартабаси юқори бўлганда ҳамда ҳурмат маъносини ифодалаганда ишлатилади.

**도움말**

1. Бош келишик '께서' дан фойдаланилганда кесимда албатта '-(으)시-' бўлиши керак.

(1) 가.할아버지께서 책을 읽으니 조용히 해라.(x)

나.할아버지께서 책을 읽으시니 조용히 해라.(o)

(2) 가.장관께서 왔습니다.(x)

나.장관께서 오셨습니다.(o)

2. '이/가' дан фарқли ўлароқ, '께서' дан кейин '만, 은/는, 도' каби ёрдамчи қўшимчалар қўшила олади.

(3) 가. 김 장관께서만 그렇게 말씀하셨습니다. Факат вазир Ким шундай гапирдилар.

나.선생님께서는 미국에 가셨습니다. Ўқитувчи Америкага кетдилар

다.할머니께서도 우리에게 선물을 주셨어요. Бувим ҳам бизга совға бердилар.

**에서**

'학교, 회사' каби гуруҳни билдирувчи отлар эга бўлиб келганда '에서' бош келишик сифатида ишлатилади. Бу ҳолатда '에서' ўрнига '이/가' ни ишлатса бўлади лекин, '에서' ни ишлатиш янада табиийроқдир.

(4) 가. 회사에서 이 달 말에 상여금을 준다고 합니다. Фирмадан шу ой охирида мукофот беришаркан

나. 이번 우리 모임에서는 낚시를 가기로 했습니다. Бу сафарги йиғилишда балиқ овига боришга қарор қилдик.

다. 정부에서는 물가를 올리지 않으려고 애를 쓰고 있다. Ҳукумат нархни кўтармаслик учун ҳаракат қиляпти.

**Бош келишикнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор.**

Бош келишик ўзига хос ишлатиладиган ҳолатлар бор. Улар орасидан биттаси юқорида тушунтирилган бош келишикдан фарқли равишда от ёки от вазифасини бажарадиган сўз эга бўлмаса ҳам ундан сўнг '이/가' қўйилади.

(5) 가. 그는 군인이 되었다. У аскар бўлди.

나. 저는 그런 말도 못 알아듣는 바보가 아닙니다. Мен бундай гапни ҳам тушунмайдиган тентак эмасман.

다.나는 저 아이의 할아버지가 아니오. Мен анави боланинг бобоси эмасман.

라. 나는 저 아이의 할아버지께서 아니오.(×) Мен анави боланинг боболари эмасман. (нотўғри)

(6) 가. 나는 떡을 먹고 싶다. Мен пирогни егим келяпти.

나.나는 떡이 먹고 싶다. Мен пирог егим келяпти.

(5) мисолида '이', '가' қўшимчалари '되다, 아니다' дан олдинда келганида бош келишик эмас ёрдамчи қўшимча ҳисобланади. Бундай вазиятда олдиндаги сўз ҳурмат объекти бўлса ҳам (5 라) даги каби '께서' дан фойдаланиб бўлмайди. (6 나) да '떡' отини кучайтириш ҳамда ажратиб кўрсатиш учун '을/를' ўрнига '이/가' дан фойдаланилган.

돋보기

(1) 가. 비행기를 타고 싶다. Самолётга мингим келяпти.

나.예쁜 옷을 사고 싶다. Чиройли кийимни сотиб олгим келяпти

다.재미있는 영화를 보고 싶다. Қизиқарли кинони кўргим келяпти.

(2) 가.나는 엄마가 보고 싶다. Мен ойимни кўргим келяпти.

나.동생은 엄마를 보고 싶어 한다. Укам ойимни кўргиси келяпти.

(1) да ёзилган '타고 싶다, 사고 싶다, 보고 싶다' каби ёрдамчи феъллардаги асосий феълларнинг ҳаммаси тўлдирувчини ўзига олган ўтимли феллардир. Шунга кўра таъкид каби таъкидлаш каби ҳолат бўлмаса олдинда келган сўзда '을/를' ни ишлатиш янада тўғрироқдир. Лекин (2 가) даги ҳолатда '을/를' дан кўра '이/가' дан фойдаланилса янада табиийроқ бўлади. Бу '보고 싶다' сўзи (1 다) даги каби '눈으로 무엇을 본다' гапи ўзининг маъносидан ҳам кўра '그립다' (соғинмоқ) деган сифат билан бир хил маънони ифодалаганлиги сабаблидир. Яна айтадиган бўлсак, (2) да '엄마가 그립다' маъносини ифодаламоқда. Бир томондан (2 나) даги '보고 싶어한다' гапи '그리워하다' каби ўтимли феъл маъносида бўлиб '이/가' дан кўра '을/를' табиийроқдир.

Бош келишикнинг ўзига хос ишлатилишининг яна бири кўшимча равишдан кейин кўшилиб ишлатилган холатидир.

(7) 가. 이 집은 음식이 맛있지가/를 않아. Бу ошхонанинг овқати мазали эмас.

나. 여기 모인 사람들은 거의가 외로운 사람들이야. Бу ерга йиғилганлар деярли ёлғиз одамлардир.

다. 그 사람의 행동은 도대체가 마음에 안 들어. У одамнинг ҳаракати ҳақиқатдан кўнглимга ёқмади.

(7 가) даги '-지 않다/못하다' инкор иборасида '-지' кўшимчасидан кейинги '가' кўшилиб келган ва буни '를' билан ҳам алмаштириб ишлатса бўлади. (7 나), (7 다) нинг ҳар бирида '거의', '도대체' каби равишлардан кейин '가' кўшилган.

### 도움말

Бош келишик '이/가' билан ёрдамчи кўшимча '은/는' нинг ишлатилиш фарқи қуйидаги каби бўлади.

Биринчи, гапда илк марта таништирилган холатда '이/가' дан фойдаланилса, ундан кейинги гапларда '은/는' дан фойдаланилади.

(1) 저기 집이 있습니다. 그 집은 산 위에 있습니다. Ана у ерда уй бор. У уй тоғ устида.

Бу (2) даги каби инглиз тилида биринчи марта таништириш холатида ноаник артикль 'a/an' дан фойдаланиб, ундан сўнг 'the' ни ишлатиш қоидасига ўхшаш.

(2) There is a house The house is on the Mountain.

Иккинчидан, '이/가' умумий нутқда ишлатилиб, '은/는' дан эса қиёслаганда фойдаланилади.

(3) 가. 꽃이 피었어요.(그리고 나비가 날아요) Гуллар очилди.( Ҳамда капалаклар учмоқда)

나. 철수가 왔어요. Чолсу келди.

(4) 가. 꽃은 피었어요.(그러나 나비는 날지 않아요.) Гул очилди. (Лекин капалаклар учмаяпти.)

나. (다른 사람은 오지 않았지만) 철수는 왔어요. (Бошқа одам келмади лекин) Чолсу келди.

(3 가) бошқа объектга боғлиқ бўлмасдан гулнинг ўзи ҳақида гап кетади лекин аксинча, (4 가) да бошқа объектни ўйлаб туриб у билан фарқи борлиги ифодалайди. (3 나) билан (4 나) ҳам (3 가) ва (4 나) каби изоҳланади.

Учинчидан, '이/가' маълумотнинг маркази бўлган олдинда келадиган отга қўшилади ва аксинча, '은/는' ундан сўнг келган мазмунда марказлашади.

(5) 가. 누가 파티에 갔어요? Ким зиёфатга борди?

나. 철수가 파티에 갔어요. Чолсу зиёфатга борди.

(6) 가. 철수는 뭐 해요? Чолсу нима қиляпти?

나. 철수는 파티에 갔어요. Чолсу зиёфатга кетди.

(5) нинг маркази '철수' да бўлиб, (6) нинг маркази '파티에 갔어요.' да турибди. Асосан марказда бўлмаган қисм диалогда қуйидаги каби тушиб қолиши мумкин.

(7) 가. 누가 파티에 갔어요? Ким зиёфатга борди?

나. 철수. Чолсу

(8) 가. 철수는 뭐해요? Чолсу нима қиляпти?

나. 파티에 갔어요. Зиёфатга кетди.

### Мавзу бўйича саволлар

**1)** Бош келишикка қандай қўшимчалар киради?

**2)** 이/가, 께서, 에서 қўшимчалари қачон бош келишик бўлиб кела олади?

**3)** Бош келишикнинг яна қандай ўзига хос қўлланилиш усуллари мавжуд?

### Адабиётлар:

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.



SamDCHTI ARM
№ 59485 (5)

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005
3. Корейсча-русча луғат

## 4-МАВЗУ
## БОШ КЕЛИШИКНИНГ ҚИСҚАРИШИ

### 4-дарснинг амалий машғулот режаси

1. Бош келишикка нималар киради?
2. 이/가 ва 께서 нинг гапларда қўлланилиши
3. Бош келишикнинг ўзига хос хусусиятлари
4. Бош келишикнинг қисқариши
5. Бош келишик қисқармайдиган вазиятлар

**Ўқув мақсади**: Талабаларда корейс тилидаги бош келишик, унинг қўлланилиш усуллари ва асосий хусусиятларидан бири бўлган қисқара олиши ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш

Корейс тилида кундалик мулоқотда бош келишикдан бошлаб бошқа кўплаб келишикларнинг қисқариши табиийдир. Қачон келишик қўшимчани қисқартириш мумкин ёки йўқлиги ҳақида аниқ сўзлаш қийин ёки умуман келишик қўшимчасисиз ҳам от ёки от вазифасини бажарувчи сўзнинг эга ёки тўлдирувчилигини англаб етишда қийинчилик бўлмаса у қўшимчани тушириб қолдириш ҳолатлари кўп. Қуйидаги каби ҳолатлар шу жкмладандир.

Биринчидан, диалогда эгани қисқартирса бўладиган вазият факат эгага мос келадиган сўзни ёзиб бош келишикни қисқартирса булади.

(1) 가.영호: 철수는 집이 갔니? Чолсу уйга кетдими?
수미: 응, 철수 (/)집에 갔어. Ҳм, Чолсу уйга кетди.
나. 영호: 너는 오늘 뭐 할 거야? Сен бугун нима қиласан?
수미: 나 (/) 오늘 영화 볼거야. Мен бугун кино кўраман.
다. 진수: 영수는 집에 있어요? Ёнгсу уйдами?
영수 어미니: 영수(/) 집에 없는데. Ёнгсу уйда йўқ эди.
라. 교장 선생님: 김 선생님께서 모레 미국 가신다죠? Ким ўқитувчи индинга Америкага кетяпти экан а?

교감 선생님: 아뇨, 김 선생님(/) 내일 미국 가시는데요. Йўқ, Ким ўқитувчи эртага Америкага кетяпти.

Юқорида жавобга мос келадиган барча гапларнинг эгаси қуйидаги каби қисқаради. Эганинг қисқариши эгани осонгина билиш мумкинлигини англатади.

(2) 가. 영호: 철수는 집에 갔니? Чолсу уйга кетдими?

수미: 응, 집에 갔어. Ҳм, уйга кетди.

나. 영호: 너는 오늘 뭘 할 거야? Сен бугун нима қиласан?

수미: 오늘 영화 볼 거야. Бугун кино кўраман.

다. 진수: 영수는 집에 있어요? Ёнгсу уйдами?

영수 어머니: 집이 없는데. Уйда йўқ эди.

라. 교장 선생님: 김 선생님께서 모레 미국 가신다지요? Ким ўқитувчи индинга Америкага кетяпти экан а?

교감 선생님; 아뇨, 내일 미국 가시는데요. Йўқ, Ким эртага Америкага кетяпти.

Бу каби эгани қисқартирганда ўша эгани қисқартирмасдан ифодалаган вақтда (1) даги жавоб гапидагидек фақат бош келишик қисқариши мумкин.

Иккинчидан, корейс тилининг умумий сўз тартибидек гапирилганда бош келишик осонгина қисқариши мумкин.

(3) 가 .너 0 나를 찾았니? Сен мени қидирдингми?

나. 우리 애 0 소풍을 갔어요. Бизнинг бола пикникка кетди.

다. 철수 학교에 갔어? Чолсу мактабга кетдими?

Юқоридаги гапларда (2) дагидан фарқли равишда эгани қисқартириш қийиндир. Лекин '주어 +목적어' яна '주어+ 부사어' каби корейс тилининг барча сўз тартибларига тўғри бўлган эгани осон тахмин қилиш мумкин. Бундай вазиятларда ҳам корейс тилида бош келишикни қисқартирса бўлади.

도움 말

1.Юқоридаги (3) даги гапларда барча отнинг келишигини тахмин қилиш мумкинлиги сабабли бош келишикдан ташқари бошқа кўшимчалар ҳам қисқарищи мумкин. Шунингдек (3 가) вазиятида '너 0 나 0 찾았니?' каби гап тузиш мумкин бўлиб, бу ҳолатда '너를 나는 찾았니?' деб изоҳлаш қийин. Бу одатда қисқарган кўшимчаларни дастлабки ҳолатига қайтищи вақтида асосий сўз тартиби сифатида таҳлил қилиниши сабаблидир.

**Эгалиги аниқ бўлган вазият бўлса ҳам қуйидаги каби ҳолатларда бош келишикни қисқартириш қийин.**

1. Эгалиги аниқ бўлган вазият бўлса ҳам кесимга керак бўлган зарурий таркиблар орасидан бошка таркибий қисм қисқартирилганда бош келишикни қисқартириш қийин.

(1) 가. 친구 0 선물을 주었습니다.(X)

나. 형 0 때렸어요.(X)

다. 김 선생님 0 전화했어요.(X)

(1 가) даги '주다' сўзи кесим сифатида ишлатилмоқда, бу сўз '누가 누구에게 무엇을 주다' каби учта зарурий таркибга эга феълдир. Лекин (1 가) ҳолатида 3 танинг орасидан фақат 2 тасигина бўлган '친구가 선물을 준 것' ми ёки '친구에게 선물을 준 것인지' ми унинг маъноси ноаниқлашади. Бундай ҳолатда бош келишикни қисқартириш қийин. (1 나) даги '때리다' ҳамда (1 다) даги '전화하다' кабилар ҳам худди шундай.

2. Эгалиги аниқ бўлган вазиятда ҳам ҳар хил имкониятлар орасидан ўзига хосларини белгилаб гапирилганда бош келишикни қисқартириб бўлмайди. Қайтадан айтганда '누가', '무엇이', '어떤 것이' деган саволларга жавоб берадиган сўзлар шулар жумласидандир.

(2) 가. 선생님: 누가 이 옷 사 주었어요? Ким бу кийимни сотиб олиб берди?

학생: 이모가 사 줬어요. Холам сотиб олиб берди.

나. 선생님: 누가 우리 반에서 제일 커요? Ким бизнинг гуруҳда энг узун?

학생: 해솔이가 우리 반에서 제일 커요. Ҳесори бизнинг гуруҳда энг узун.

다. 손님: 어떤 옷이 제일 예뻐요? Қайси кийим энг чиройли?

점원: 저기 있는 빨간 옷이 제일 예뻐요. Анави ердаги қизил кийим энг чиройли.

Тепадаги мисолда '이모, 해솔이, 빨간 옷' ларнинг ҳаммаси '누가' ёки '어떤 것' га жавоб берилган гапларнинг эгаси бўлади. Бундай ҳолатда бош келишикни қисқартириб бўлмайди. Қуйидаги ҳолатларда ҳам ҳар хил имкониятлар орасида махсус нарсани белгилаб гапирган ҳолатда бош келишикни қисқартириб бўлмайди.

(3) 가. 동생 0 나보다 그림을 더 잘 그려요.(*)

나. 시골 0 도시보다 더 살기 좋아.(*)

다. 더위를 식히는 음식으로는 냉면 0 최고야 .(*)

라. 지난 번 시험에는 영수 0 제일 잘했더라(*)

Юқоридаги (3 가), (3 나) '비교' солиштириш маъносини ифодалаган гап бўлиб, (3 다), (3 라)' даги 00 은/는 00 이/가 서술어' шаклидаги гапдир. Бундай гапларда ҳам барча юқорида айтиб ўтилган '누가, 무엇이, 어떤 것이' ларнинг жавоби бўлиб, бош келишикни қисқартирса ноқулай гап бўлади.

3. Эгалиги аниқ бўлган вазиятда бўлса ҳам ўша маънони таъкидлаган ҳолатда бош келишикни қисқартириш қийин. Бундай ҳолат эганинг олдидан аниқловчи гап кўшилиб эганинг ҳолати ҳақида урғу беради.

(4) 가. 그런 사람 0 어떻게 그만한 일을 할 수 있겠어?(*)

나. 네 놈 0 그럴 수가 있어?(*)

다. 이 일에는 우리 젊은이 0 나서야 합니다.(*)

(4 가)-(4 라) мисолларининг ҳаммаси эганинг олдига аниқловчи сўз қўшилиб урғу ва ҳайрат маъноларини юзага келтирган гаплардир. Бундай вазиятда эгалиги аниқ бўлса ҳам бош келишикни қисқартириб бўлмайди.

4. Эгалиги аниқ бўлган ҳолатда ҳам эгани аниқловчи сўз узун бўлса бош келишикни қисқартириш қийин.

(5) 가. 너 0 지금 꼭 그 일을 해야겠니?(0) Сен ҳозир аниқ ўша ишни қиласанми?

나. 공부 잘하는 너(네)0 그런 쉬운 문제를 못 풀다니.(*)

(5 가) мисолидаги холат эга бўлган '너' ни аникловчи сўз йўқ. Бундай холатда бош келишикни кисқартирса ҳам ноқулай бўлмайди. Лекин (5 나) ҳолатида эга бўлган '너' нинг олдидаги '공부 잘 하는' деган етарлича узун аникловчи бор. Будай ҳолат бощ келишикни қисқартирса эга билан кесимнинг граматик боғликлигини осонгина тушунищ қийин бўлади.

5. Эгалиги аниқ бўлган ҳолатда ҳам ички узун гап орасидаги эгага қўшилган бош келишикни қисқартириш қийин.

(6) 이 시계는 {어머니 0 입학 선물로 나에게 사 주신}것이다.(*)

(6) даги мисолда '어머니' '(시계를) 사 주신' нинг эгалиги аниқ. Лекин таркиби узун гап ичига кирганлиги сабабли қисқартирса кўпол гап бўлади.

6. Ундан ташқари бош келишикнинг қисқариши билан боғлиқ бўлган қуйидагиларни мисол келтирса бўлади.

Биринчидан, қуйидаги каби '그, 저' сўзларининг чегараси бўлган эга чегараланмаган эгага қараганда бош келишикнинг қисқариши янада яхшироқ кузатилади.

(7) 가 . 게임 0 하도 재미있어서 두 시간이나 했어. (*)

나. 그 게임 0 하도 재미있어서 두 시간이나 했어.(0) У ўйин жуда қизиқ бўлганилиги учун 2 соатча ўйнадим.

(7 가) мисолидаги каби эга бўлган '게임' аниқловчи олмаган ҳолатда эгадан кейин қўшилган бош келишик '게임이' янада табиийроқдир. Лекин (8 나) нинг ҳолатида эга бўлган '게임' '그' аниқловчисини олган, бундай ҳолатда бош келишни қисқартирса ҳам нотўғри гап бўлмайди.

Иккинчидан '누가 누구에게 무엇을 받다 ' каби шакл бўлса мажҳул маънони ифодалаган гапда бощ келишик яхши қисқаради.

(8) 가. 영수 0 학교에서 상 받았어. Ёнгсу мактабда мукофот олди.

나. 나 0 선생님한테 혼났어. Мен ўқитувчимдан гап эшитдим.

Олдинда айтиб ўтилганидек бош келишик маъновий муносабатни ифодалаган қўшимча эмас грамматик алоқани юзага келтирадиган қўшимчадир. Шунга кўра гапда эгалиги аниқ бўлган ҳолатда осонгина қисқартирса бўлади ва диалогда бош келишик ифодаланмайдиган ҳолатлар жуда кўп. Шунинг учун бош келишикнинг қисқариши билан боғлиқ бўлган қачон қисқаришидан кўра қачон қисқармаслиги масаласига янада эътибор бериб ўргатиш керак. Бу тушум келишиги ёки қаратқич келишиги кабиларга ҳам тегишлидир.

**Таянч сўзлар:** 격조사, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사, 주어, 목적어, 조사

**Мавзу бўйича саволлар**

**1)** Бош келишик гапда қандай вазифани бажариб келади?

**2)** Корейс тилида бош келишикка қайси қўшимчалар киради?

**3)** 이/가 ва 께서 нинг фарқи нимадан иборат?

**4)** Бош келишик қачон қисқара олади?

**5)** Бош келишик қисқармайдиган ҳолатларга мисол келтиринг?

**Адабиётлар:**

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005

3. Корейсча-русча луғат

## 5-МАВЗУ
## ТУШУМ КЕЛИШИГИ

### 5-дарснинг амалий машғулот режаси

1. Тушум келишигига нималар киради?
2. Тушум келишиги қўшимчаларининг қўлланилиши
3. Тушум келишигининг ўзига хос хусусиятлари
4. Тушум келишигининг тушиб қолиши
5. Тушум келишиги қисқармайдиган вазиятлар

**Ўқув мақсади**: Талабаларда корейс тилидаги тушум келишиги, унинг қўлланилиш усуллари ва хусусиятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш

**Тушум келишиги қўшимчалари қандай ҳолларда қўлланилади?**

Тушум келишиги қўшимчаси қуйидаги каби ушбу қўшимча қўшилган сўз гап ичида тўлдирувчи вазифасини бажариб келишини ифодалайди.

(1)가. 해솔이는 책을 읽었다. Хесол китоб ўқиди.

나. 현교는 부모님께 편지를 썼다. Хёнгё ота-онасига хат ёзди.

Юқоридаги (1) мисолда '을' билан '를' қўшилган '책' ва '편지' нинг ҳар бири гапда тўлдирувчи бўлади. Бу '을' билан '를' тушум келишиги қўшимчаси бўлиб, сўз ундош билан тугаса (1 가) дагидек '을', унли билан тугаса (1 나) даги каби '를' ёзилади ёки (2) да берилганидек 'ㄹ' ёзилади.

(2) 나는 사괄 (사과+ㄹ)/밸(배+ㄹ)/포돌(포도+ㄹ) 먹었다. Мен олма/нок/узум едим.

**Изоҳ**

1. Тушум келишиги қўшимчаси '을/를' бошқа қўшимчалар билан ишлатилганда ҳар доим ўша қўшимчадан кейин келади.

(1) 가. 대기 중에서 약 10km 부터 50km 를까지 성층권이라 한다. (X)

나. 대기 중에서 약 10km 부터 50km 까지를 성층권이라 한다. (O) Атмосферадаги 10 км.дан 50 км.гача бўлган жойи стратосфера дейилади.

(2) 가. 각자 한 사람을만 데리고 오자. (X)

나. 각자 한 사람만을 데리고 오자. (O) Ҳар биримиз фақат битта одамни олиб келайлик.

2. Тушум келишиги қўшимчаси '을/를' '은/는, 이/가, 도' каби қўшимчалар билан бирга ишлатилмайди.

(3) 가. 민수는 영미는을 좋아한다. (X)

나. 누나는 비싼 옷이를 골라 사요. (X)

다. 나는 비빔밥도를 좋아해요. (X)

**Тушум келишигининг ўзига хос қўлланилиши нималардан иборат?**

Тушум келишиги қўшимчаси ҳам худди бош келишикдагидек ўзига хос қўлланиладиган ҳолатлари мавжуд. Аввало баъзи феъллар ўтимсиз бўлишига қарамай ўтимли феъллар каби тўлдирувчини олиб '을/를' билан ифодаланади.

Масалан ҳаракат маъносини ифодалайдиган '가다' "бормоқ" феъли қуйидаги мисолда берилганидек ўтимсиз феъл сифатида кенг қўлланилади

(1) 가. 아빠는 날마다 회사에 가요. Дадам ҳар куни фирмага боради

나. 영수는 날마다 학교에 가요. Ёнгсу ҳар куни мактабга боради.

다. 할아버지는 날마다 병원에 가요. Бобом ҳар куни касалхонага боради.

Лекин '가다' қуйидагидек ўтимли феъл каби ишлатиладиган ҳолатлар ҳам бор.

(2) 가. 아빠는 날마다 회사를 가요. Дадам ҳар куни фирмага боради

나. 민수는 오늘 두 시간 (10km) 을/를 갔대요. Минсу бугун 2 соат (10 км) юрибди.

다.해수욕 (등산, 낚시, 목욕) 을/를 가는 날은 즐거워요. Чўмилиш (тоғ, балиқ ови, ҳаммом) га борган куним мазза қиламан.

(2) мисолда кўринганидек ҳаракат маъносини ифодалайдиган '가다' нинг тўлдирувчи сифатида ишлатилиши (2 가) даги '회사' (фирма) каби жойни ифодалайдиган от, (2 나) даги '두 시간 (2 соат),

10 km' вакт ва масофанинг микдорини ифодалайдиган от, ҳамда (2 다) даги '해수욕 (чўмилиш), 등산 (тоғ), 낚시 (балиқ ови), 목욕 (ҳаммом)' харакатнинг тўлдирувчиси бўладиган от кабилардир. Булар отга қўшилган '을/를' нинг ўзига хос қўлланилишини кўрсатади. Бундай феъллардан '가다 (бормоқ), 기어가다 (), 다니다 (қатнамоқ), 걷다 (юрмоқ), 건너다 (кесиб ўтмоқ), 날다 (учмоқ), 내려가다 (пастга тушмоқ), 돌아다니다 (айланиб юрмоқ), 오르다 (кўтарилмоқ), 떠나다 (жўнаб кетмоқ), 지나다 (ўтмоқ), 들리다 (эшитилмоқ), 출발하다 (жўнамоқ)' кабилар бор бўлиб булар асосан ҳаракат маъносини билдиради.

Йўналишни ифодалайдиган қўшимча '에' (га) дан кейин яна '를' ёки '를' нинг қисқарган шакли 'ㄹ' ни қўйиш ҳам тушум келишиги қўлланилишининг ўзига хос усулларидан бири. Бу вақтда олдинда келадиган сўз жойни ифодалайдиган отдир.

(3) 가. 아빠는 날마다 회사엘 (에를) 가요. Дадам ҳар куни фирмага боради

나. 영수는 날마다 학교엘 (에를) 가요. Ёнгсу ҳар куни мактабга боради

다. 할아버지는 날마다 병원엘 (에를) 가요. Бобом ҳар куни касалхонага боради

Қуйидаги каби ҳолларда ҳам '을/를' ўзига хос ишлатилишини кўришимиз мумкин

(4)가. 성적을 기준으로 사람을 평가해서는 안 된다. Натижага қараб инсонга баҳо берилмайди.

나. 그는 부장 판사를 끝으로 법조계를 떠났다. У судья ўринбосариликдан сўнг ҳуқуқ оламини тарк этди

(4) даги мисолда '성적' билан '부장 판사' га '을/를' қўшилиб тўлдирувчи сифатида ишлатилсада ундан кейин келадиган кесим ҳаракат ҳисобланмайди. Бундай '을/를' қуйидагидек '을/를' нинг олдида келадиган сўз билан '(으)로' нинг олдида келадиган сўз маъно жиҳатидан эга ва кесимнинг боғлиқлиги вақтида асосан ифодаланади.

(5) 가. 성적이 기준이다. Баҳо асосдир

나. 그는 부장 판사가 끝이다. У судья ўринбосарилиги билан тугади

**Тушум келишигининг тушиб қолиши**

Тушум келишиги кундалик суҳбатда кўпинча тушиб қолади. Лекин ҳис-туйғуни бўрттириб ёки сўроқ гапни ифодалашда тушириб қолдирмаслик яхшироқ ҳисобланади.

(1) 가. 소주 14 병( ) 주세요 14 шиша пиво беринг

나. 너 밥 ( ) 먹었니? Сен овқат едингми?

(2) 가. 아줌마, 청소년한테 담밸 (담배를) 팔아요? (청소년한테 담배를 팔지 말아야 한다는 뜻) Хола, вояга етмаганларга сигарет сотишадими? (Вояга етмаганларга сигарет сотиш керак эмаслиги маъноси)

나. 자식들이 부모의 마음을 알아? (자식들은 부모의 마음을 모른다는 뜻) Болалар ота-онанинг кўнглини биладими? (Болалар ота-онанинг кўнглини билмайди маъносида)

다. 나라를 사랑해야 하지 않겠습니까? (나라를 사랑해야 한다는 뜻) Юртни яхши кўриш керак эмасми? (Юртни яхши кўриш керак маъносида)

(1 가), (1 나) мисолидаги каби тушум келишигини тушириб қолдирса бўлади. Лекин (2 가)- (2 다) даги каби кучайтирилган сўроқ гапда тушум келишиги кўшимчасини тушириб қолдиргандан кўра туширмаслик маънони етказиб беришда янада натижалироқдир.

**Мавзу бўйича саволлар**

**1)** Тушум келишиги гапда қандай вазифани бажариб келади?

**2)** Корейс тилида тушум келишигига қайси кўшимчалар киради?

**3)** Тушум келишиги билан бирга ишлатилмайдиган кўшимчалар қайсилар?

**4)** Тушум келишиги қачон қисқара олади?

**5)** Тушум келишиги қисқармайдиган ҳолатларга мисол келтиринг?

**Адабиётлар:**

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005

3. Корейсча-русча луғат

## 6-МАВЗУ
## АНИҚЛОВЧИ ВА ҲОЛНИ ИФОДАЛОВЧИ ҚЎШИМЧА

**6-дарснинг амалий машғулот режаси**

1. Қаратқич келишигига нималар киради?
2. Қаратқич келишиги қўшимчаларининг қўлланилиши
3. Қаратқич келишигининг ўзига хос хусусиятлари
4. Қаратқич келишигининг тушиб қолиши
5. Қаратқич келишиги қисқармайдиган вазиятлар
6. Равиш келишигига нималар киради?
7. Равиш келишиги қўшимчаларининг қўлланилиши
8. Равиш келишигининг ўзига хос хусусиятлари
9. Равиш келишигининг тушиб қолиши
10. Равиш келишиги қисқармайдиган вазиятлар

**Ўқув мақсади:** Талабаларда аниқловчи ва ҳолни ифодаловчи қўшимча, қаратқич келишиги ва унинг гапларда қўлланилиш хусусиятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш

От ва от вазифасида келувчи сўзлар қуйидаги каби гапда эга ёки тўлдирувчи вазифасидан ташқари кейин келадиган бошқа сўзга сайқал бериб ҳам келади.

(1) 가. 춘천은 호반의 도시로 유명하다. Чунчон кўллар шаҳри сифатида машҳур

나. 저는 미국에서 온 마이클입니다. Мен Америкадан келган Майклман

(1) даги мисолда '호반의' сўзи ундан кейин келадиган от '도시'га, '미국에서' эса '오다' феълига сайқал беряпти. Яъни '의' ва '에서' отга қўшилиб ундан кейин келадиган сўзга сайқал бериш вазифасини бажаради.

**Қаратқич келишиги**

Қаратқич келишигидан олдин келадиган от ёки от вазифасини бажарувчи сўз аниқловчи вазифасини бажарувчи қўшимчадир. Яъни, от ундан кейин келадиган отга сайқал беришда ишлатилади.

(2) 가. (모든, 새) 도시 (Барча, янги) шаҳар

나. (호반의, 추억의) 도시 (Кўл, хотира) шаҳри

(2 가) даги мисолда '모든' ва '새' ундан кейин келадиган от '도시' га сайқал берадиган аниқловчи сифатида гапда аниқловчи вазифасини бажаради. Аксинча (2 나) даги от '호반' ёки '추억' га

'의' қўшилиб аниқловчи бўлиб ундан кейин келадиган '도시' ни безаб келмоқда.

**도움말**

1.Қаратқич келишиги қўшимчаси '의' бор-йўғи битта. Фақат, бу қўшимча шахсни кўрсатувчи олмошлар '나, 저, 너' ҳар бири '내, 네, 제' шаклида ёзилишига эътибор бериш керак.

(1) 가. 내 (나의) 고향은 제주도다. Менинг ватаним Чежудо.

나. 그것은 네 (너의) 몫이 아니다. У менинг улушим эмас.

다. 제 (저의) 이름은 마이클입니다. Менинг исмим Майкл

2. Қаратқич келишиги қўшимчаси кўп ҳолларда тушиб қолиши ҳам мумкин-у лекин бундай бўлмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

(2) 가. 민수(의) 책 Минсу (нинг) китоби

나. 서울(의) 거리 Сеул (нинг) кўчалари

다. 우리나라(의) 경제 Давлатимиз (нинг) иқтисоди

라. 민수(의) 누나 Минсу (нинг) опаси

(3) 가. 계절 () 여왕 (X) Фасл() қироличаси

나. 서울 () 눈 오는 거리 (X) Сеул() қор ёғаётган кўчалари

다. 세 권 () 책 (X) 3 та китоб

Умуман қаратқич келишиги '의' қўлланганда унга қўшиладиган от ва ундан кейин келадиган от (2) дагидек эга ва унга тобе сўзнинг боғлиқлиги, умумий ва қисмнинг боғлиқлиги, қариндошлик алоқаларини ифодалайди, бу вақтда қаратқич келишиги тушиб қолади. Лекин (3 가) даги каби ўхшатиш ифодаланган ҳолатда, (3 나) дагидек ундан сўнг келадиган от олдида бошқа аниқловчи турган ҳолларда, (3 다) мисолидагидек миқдорни ифодалаганда '의' ни тушириб қолдириш қийин бўлади.

3.Қаратқич келишиги '의' орқали боғланган иборалар ҳар хил маъноларни ифодалаб келиши ҳам мумкин. Шунинг учун суҳбат жараёни тақдим қилинмаса таҳлил қилиш қийин бўладиган томонлари бор. Масалан, '누나의 편지', '누나의 사진' қуйидаги каби ҳар хил таҳлил қилиниши мумкин. Лекин '의' қаратқич келишиги тушган '누나 편지', '누나 사진' - '누나가 쓴 편지' (4 가), '누나를 찍은 사진' (5 나) сифатида таҳлил қилинади.

(4) 가. 누나가 쓴 편지 Опам ёзган хат

나. 누나가 받은 편지 Опам олган хат

다. 누나가 가지고 있는 편지 Опамдаги хат

(5) 가. 누나가 찍은 사진 Опам олган расм

나. 누나를 찍은 사진 Опам тушган расм

다. 누나가 가지고 있는 사진 Опамдаги расм

**Равишни ифодалайдиган келишик қўшимчаси**

Равиш қўшимчаси от ёки отни ифодалайдиган сўз ҳол вазифасини бажарадиган қўшимчадир. Яъни, ундан сўнг келадиган кесимга сайқал беради.

(1) 가.그는 날마다 일찍 일어난다. У ҳар куни барвақт туради

나.그는 날마다 새벽에 일어난다. У ҳар куни тонгда уйғонади.

(1 가) даги '일찍' сўзи '일어난다' кесимига сайқал берадиган ҳолдир. (1 나) даги '새벽' (тонг) от бўлиб, унга '에' қўшилиб '일어난다' га сайқал бериб келяпти. Яъни, '에' қўшилиб (1 가) даги '일찍' ҳол вазифасини бажариб келмоқда. Бундаги '에' равишни ифодалайдиган келишик қўшимчасидир.

**도움말**

1.Кесим '가다, 오다' бўлган ҳолларда (1) даги каби равиш келишиги '에' ёки '(으)로' тушиб қолади лекин умуман олганда равиш келишиги тушириб қолдирилмайди.

(1) 가. 철수는 어디() 갔어요? Чолсу қаерга кетди?

나. 학교 () 오는 길에 잠시 서점에 들렀어요. Мактабга келишда бир пасга китоб дўконига кирдим.

(2) 가. 나는 친구에게 편지를 썼다. (O) Мен дўстимга хат ёздим

나. 나는 친구() 편지를 썼다. (X)

(3) 가. 나무들이 비바람에 쓰러졌다. (O) Дарахтлар ёмғир шамолига қулаб тушди

나. 나무들이 비바람() 쓰러졌다. (X)

(2 가), (3 가) даги '친구', '비바람' га равиш келишиги '에게' билан '에' қўшилади. (2 나) ёки (3 나) даги каби тушириб қолдирилса нотўғри гап бўлади.

2.Равиш келишигининг отга қўшилиб келиши инглиз тилидаги предлогдан фарқ қилади лекин, унинг вазифаси ёки маъноси

ўхшаш. Шу тарафдан корейс тилидаги равиш келишиги послелог (postposition) деб ҳам аталади. Умуман олганда инглиз тилидагидек "эга+кесим+тўлдирувчи" тартибдаги тилда предлог бўлиб, корейс ёки япон тилидаги каби "эга+ тўлдирувчи + кесим" тартибдаги тилда послелог бўлади.

**Жойни ифодалашда ишлатиладиган равиш қўшимчаси**

Жойни ифодалашда ишлатиладиган қўшимча "қайси объект қаерда тургани, ҳаракат бўлгани ва тугагани, нимани асос қилиб яқинлашгани ёки узоқлашиши" кабиларга кўра ҳар хил ишлатилади.

Объектнинг жойлашиши

Бирор бир от объектнинг жойини ифодалайдиган ҳол сифатида ишлатилиши учун унга '에' қўшимчаси қўшилиши керак. Асосан '있다, 계시다, 없다, 살다, 머무르다, 남다' каби кесимлар бўлган гапда одам ёки нарса турган жойни ифодалаганда ишлатилади.

(1) 가. 내 남자 친구는 부산<u>에</u> 있어요/없어요. Менинг йигит дўстим Пусанда/ Пусанда эмас

나. 할아버지는 거실<u>에</u> 계세요. Бобом меҳмонхонадалар

다. 나는 중국<u>에</u> 살고 있는 민영이가 보고 싶어요. Мен Хитойда яшайдиган Минёнгини соғиндим.

라. 혼자 집<u>에</u> 남은 동생이 걱정돼요. Уйда ёлғиз қолган укамдан хавотирдаман.

(1) мисолда барча гаплар '명사+ 에' шаклида келган. Бунда '에' унга қўшилиб келган '내 남자 친구', '할아버지', '민영', '동생' отларининг ҳар бирининг турган жойини ифодалайди. Яъни, (1 가) даги мисолни кўрсак '부산' '내 남자 친구가 있는 곳' бўлади.

Ҳаракат бўлаётган жой

От бирор бир объектнинг ҳаракати содир бўлаётган жойни ифодалайдиган ҳол сифатида ёзилиши учун '에서'қўшилиши керак

(2) 가. 우리는 파티장<u>에서</u> 춤을 췄어요. Биз зиёфат кечасида рақсга тушдик

나. 우리는 어제 중국 식당<u>에서</u> 저녁을 먹었어요. Биз кеча Хитой ошхонасида кечки овқатни едик

다. 더운 날에는 밖<u>에서</u> 잠을 자곤 했어요 Иссиқ кунда ташқарида ухлар эдик

라. 나무 위<u>에서</u> 새들이 노래를 불러요. Дарахтлар устида қушлар қўшиқ куйламоқда

마. 사람들이 운동장<u>에서</u> 공을 차고 있어요. Одамлар спорт майдонида тўп тепмоқда.

(2) мисолидаги барча гаплар '명사+에서' шаклида келган. Бунда '에서' қўшилиб келган от эганинг қайси ҳаракати бўлаётганинининг жойини ифодалайди. Масалан, (2 가) даги '파티장' 우리가 춤을 춘 곳' бўлади.

**도움말**

'살다, 머무르다, 체류하다' каби кесимлар бўлган гапларда мавжуд жойни ифодалайдиган отга '에', '에서' нинг иккиси ҳам қўшилиб келади.

(1) 가. 그는 중국에 살고 있다. У Хитойда яшаяпти

나. 그는 중국에서 살고 있다.

(2) 가. 그는 별장에 머무르고 있다. У дала ҳовлида тўхтади.

나. 그는 별장에서 머무르고 있다

(1), (2) мисоллардагидек '살다, 머무르다, 체류하다' кабилар ҳам '에' ҳам '에서' билан ҳам боғланиб келиши бу феъллар "ҳаракат" ва "мавжудлик" каби иккита маънони ҳам билдириб келиши сабабли. Яъни, '에' ни ишлатсак, '그' мавжуд бўлган жойни айтишини билдириб, '에서' ни ишлатсак ҳақиқатдан яшаш ҳаракати бўлаётган жой айтилади. Агар ҳаракат кучайтирилган маънода келса '에' мос келмайди. Қуйидаги гапда '행복하게' ҳоли '살다' феълини безаб келяпти, ҳамда мавжудликдан кўра ҳаракат маъноси кучайган, бундай ҳолларда фақат '에서'*ни ишлатиб* бўлади. Фақат, '머무르다' билан '체류하다' сўзининг ўзига хослиги бошқа ҳол билан яхши мослашмайди.

(3) 가. 그는 중국<u>에서</u> 행복하게 살고 있다. (O) У Хитойда бахтли яшамоқда.

나. 그는 중국<u>에</u> 행복하게 살고 있다. (X)

Бир томондан '많다, 적다' каби белгиланган жойдаги объектнинг ҳолатини ифодалайдиган сифат сўз кесим бўлиб келса фақат '에' ишлатилади.

(4) 가. 도서관<u>에</u> 사람이 많다. Кутубхонада одам кўп

나. 도서관<u>에</u> 사람이 적다. Кутубхонада одам кам

다. 도서관<u>에</u> 사람이 드물다. Кутубхонада одам кўринмайди.

**Мавзу бўйича саволлар**

**1)** Қаратқич келишиги гапда қандай вазифани бажариб келади?

**2)** Корейс тилида қаратқич келишигига қайси қўшимчалар киради?

**3)** Қаратқич келишиги билан бирга ишлатилмайдиган қўшимчалар қайсилар?

**4)** Қаратқич келишиги қачон қисқара олади?

**5)** Қаратқич келишиги қисқармайдиган ҳолатларга мисол келтиринг?

**6)** Равиш келишиги гапда қандай вазифани бажариб келади?

**7)** Корейс тилида равиш келишигига қайси қўшимчалар киради?

**8)** Равиш келишиги билан бирга ишлатилмайдиган қўшимчалар қайсилар?

**9)** Равиш келишиги қачон қисқара олади?

**10)** Равиш келишиги қисқармайдиган ҳолатларга мисол келтиринг?


**Адабиётлар:**

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.
2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005
3. Корейсча-русча луғат


## 7-МАВЗУ
## ҲАРАКАТ ТАЪСИР ҚИЛАДИГАН ЖОЙ (РАВИШ КЕЛИШИГИ)

### 7-дарснинг амалий машғулот режаси

1. Ҳаракат таъсир қиладиган жойни ифодаловчи равиш келишигига нималар киради?
2. 에서 нинг гапларда қўлланилиши
3. Равиш келишигининг ўзига хос хусусиятлари
4. Равиш келишиги қисқармайдиган вазиятлар

**Ўқув мақсади**: Талабаларда корейс тилидаги равиш келишиги, унинг қўлланилиш усуллари ва хусусиятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш. Ҳаракат таъсир қиладиган жойни ифодаловчи равиш келишиги ҳақидатўхталиб ўтиш.

От бирор-бир объектнинг ҳаракати содир бўлаётган жойни ифодалайдиган '에서' билан унинг маъноси ўхшасада бироз бошқача, от бирон-бир объектнинг ҳаракати таъсир қиладиган

жойни ифодалайдиган ҳол сифатида қўлланиладиган қўшимча бор. У қўшимча '에' дир.

(1) 가. 나는 피곤해서 침대에 누워 잤다. Мен чарчаб каравотга ётиб ухладим.

나. 민수는 털썩 하고 의자에 앉았다. Минсу Толсок билан стулга ўтирди.

다. 아버지는 계약서에 도장을 찍었다. Дадам шартномага муҳр босди.

라. 엄마는 그릇을 식탁에 놓았다. Ойим косани столга қўйди.

마. 선생님은 칠판에 '안녕하세요'라고 썼어요. Ўқитувчи доскага "Ассалом" деб ёзди.

바. 인터넷 시대에도 손으로 쓴 편지에 우표를 붙여 보낼 수 있다. Интернет даврида ҳам қўлда ёзилган хатга марка ёпиштириб жўнатса бўлади.

(1) даги '눕다, 앉다, 찍다. 놓다, 쓰다, 붙이다'нинг ҳаммасига ўша ҳаракат таъсир қиладиган жой керак бўлади.Масалан, '놓다'да '놓을 곳' керак бўлиб, бу пайтда '에' ишлатилади.

**돋보기**

Умуман ҳаракат бўлаётган жойда ораликқа (бўш жой0 урғу берилиб, ҳаракат таъсир қиладигн жойда предметга урғу берилади. Яна биринчи ҳолатда кенг жой, иккинчи ҳолатда тор жой кузатилади.

(1) 가. 그는 운동장에서 철봉에 매달렸다. У спорт майдончасида турникка осилди.

나. 그는 사무실에서 메모지에 급히 무엇을 적었다. У идорада қоғозчага шошилинч ниманидир ёзди.

(1) да '에서' қўшилиб келган '운동장' ёки '사무실' оралик (бўш жой) яъни кенг жойни ифодалайди, '에' бирикиб келган '철봉' ёки '메모지' эса объект яъни тор жойни ифодалаб келган.

**Жойнинг кўчиши**

Жойнинг кўчишида жўнаш ва етиб келиш бўлимлари учун 2 хил қўшимча керак бўлади. Аввал, ҳаракатнинг бошланишини ифодалашда '에서' ишлатилади. Бу вақтда ҳаракат бошланишини аниқ ёритмоқчи бўлганда '에서부터' ҳам ишлтилади.

(1) 가. 어디에서 오셨습니까? Қаердан келдингиз?

나. 프랑스에서 편지가 왔다. Франциядан хат келди.

다. 큰길에서 빠져나와 오른쪽으로 가세요. Катта йўлдан чиқиб ўнг томонга юринг.

라. 제주도에서부터 여행을 시작했다. Саёҳатни Чежудодан бошладим.

Бир томондан, ҳаракатнинг бошланишини ифодалаганда ишлатиладиган '에, (으)로' қўшимчалари бор. Қуйидаги мисолда кўрганимиздек бу икки қўшимчанинг маънолари бироз фарқ қилади.

(2) 가. 드디어 우리는 서울에 도착했다. Ва ниҳоят биз Сеулга етиб келдик.

나. 이쪽으로 오십시오. Бу томонга келинг

'에' қўшимчаси мақсад ҳамда манзилни айтган пайтда ишлатиладиган қўшимча бўлиб, '(으)로' "га йўналмоқ" маъносидаги йўналишни ифодалаган пайтда ишлатиладиган қўшимчадир. Бу пайтда '로' қўшимчаси унли билан тугаган ёки 'ㄹ' падчимли сўздан сўнг қўшилади, '(으)로' эса 'ㄹ' бўлмаган ундош билан тугаган сўздан сўнг ишлатилади.

(3) 가. 바닷가로 오십시오. Денгиз қирғоғига келинг

나. 이 길로 가십시오. Бу йўлдан юринг.

다. 우리 집으로 오십시오. Уйимизга келинг.

도움말

Қуйидаги феълларда етишишни ёки йўналишни ифодалайдиган қўшимча танланади

(1) етишишни ифодалайдиган қўшимчани билдирувчи феъл: 도착하다, 이르다, 도달하다, 미치다,...

(2) йўналишни ифодалайдиган қўшимча 떠나다, 향하다, 출발하다, 옮기다, 이사하다,...

가다, 오다, 오르다,...

돋보기

1.Юқорида жўнаш ҳолатида 에서, етиш ҳолатида 에 ишлатилишини кўрдик. Буни бошқача ифодаласак бирор-бир жой ёки нарсадан ажралиб чиқадиган "узоқлашиш" ҳолатида 에서 ни ишлатиб, бирор-бир жой ёки нарсага яқинлашиб борадиган "яқинлашиш" ҳолатида эса 에 дан фойдалансак бўлади. Бундай ҳолат жойнинг кўчиши бўлган ҳолатлардагина бўлиб, юқорида

тушунтирилган "ҳаракат таъсир қиладиган жой" да ҳам қўлланилади.

Узоқлашиш: 에서

편지 봉투<u>에서</u> 우표를 뗐다. Хат жилдидан маркани юлиб олдим.

해가 바다<u>에서</u> 솟아올랐다. Қуёш денгиздан кўтарилди.

주머니<u>에서</u> 돈을 꺼냈다. Чўнтагимдан пулни чиқардим.

물이 땅<u>에서</u> 솟아 올랐다. Сув ердан кўтарилиб чиқди.

철수가 의자<u>에서</u> 일어났다. Чолсу стулдан турди.

저는 미국<u>에서</u> 온 마이클입니다. Мен Америкадан келган Майклман.

Яқинлашиш: 에

편지 봉투<u>에</u> 우표를 붙였다. Хат жилдига маркани ёпиштирдим.

해가 바다<u>에</u> 잠겼다. Қуёш денгизга яширинди.

주머니<u>에</u> 돈을 넣었다. Чўнтагимга пулни солдим.

동전이 땅<u>에</u> 솟아 떨어졌다. Танга пул ерга сочилиб кетди.

철수가 의자<u>에</u> 앉았다. Чолсу стулга ўтирди.

한국에 온 지 1 년 되었어요. Кореяга келганимга 1 йил бўлди.

Юқоридаги мисолни кўрсак объектга яқин борадиган ҳаракат бўлганда 에 ни ишлатиб, у объектдан узоқлашадиган ҳолларда 에서 дан фойдаланилганлигини кўрамиз. Масалан, 철수가 의자에 앉았다 гапида Чолсу столга яқинлашган, 철수가 의자에서 일어났다 гапида Чолсу стулдан узоқлашган ҳисобланади. Ҳамда 저는 미국에서 온 마이클입니다 ва 한국에 온 지 1 년 되었어요 гаплари орқали узоқлашишни ифодалайдиган 에서 ва яқинлашишни билдирадиган 에 нафақат объект жойда ҳам қўлланилишини билиш мумкин.

2. Қуйидаги гап "ҳаракат бўладиган жой" ҳамда "яқинлашадиган объект" бирга қўлланилган гапдир.

(1) 가. 그는 운동장<u>에서</u> 철봉<u>에</u> 매달렸다. У спорт майдончасида арқонга осилди.

나. 그는 사무실<u>에서</u> 메모지<u>에</u> 급히 몇 자를 적어 밖으로 나왔다. У идорада қайд дафтарчасига шошилинч бир неча сўз ёзиб ташқарига чиқди.

(1 가), (1 나) мисолларида 에서 кўшимчаси кўшилиб келган 운동장 ёки 사무실 эга харакат бажарган жой бўлиб, 에 кўшилиб келган 철봉 ёки 메모지 якинлашишнинг объекти бўлган предметдир.

Лекин куйидаги каби "ҳаракат содир бўлаётган жой" ва "узоклашадиган предмет" бир вактнинг ўзида гапда ифодаланиши бироз нотабиийдир.

(2) 가. 그는 사무실에서 주머니에서 돈을 꺼냈다.(X)

나. 그는 운동장에서 철봉에서 떨어졌다.(X)

**Таянч сўзлар:** 격조사, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사, 주어, 목적어, 조사

**Мавзу бўйича саволлар**

**1)** Равиш келишиги гапда кандай вазифани бажариб келади?

**2)** Корейс тилида ҳаракатни ифодалашда қайси келишик қўшимчалари ишлатилади?

**3)** Жойнинг кўчишида қайси келишик қўшимчаларидан фойдаланамиз?

**4)** Узоклашишда ишлатиладиган равиш келишиги

**5)** Якинлашишда ишлатиладиган равиш келишигига мисоллар келтиринг

**Адабиётлар:**

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005

3. Корейсча-русча луғат

## 8-МАВЗУ
## ВАҚТНИ ИФОДАЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН РАВИШ КЕЛИШИГИ

**8-дарснинг амалий машғулот режаси**

1. Вақтни ифодаловчи равиш келишигига нималар киради?
2. 에 нинг гапларда қўлланилиши
3. Бошланишдаги вақтни ифодалайдиган равиш келишигининг ўзига хос хусусиятлари
4. Равиш келишиги қисқармайдиган вазиятлар

5. Одамларга нисбатан ишлатиладиган равиш келишигига нималар киради?
6. Ҳайвонларга нисбатан ишлатиладиган равиш келишигининг гапларда қўлланилиши
7. Яқинлашиш ва узоқлашишда қўлланиладиган равиш келишигининг ўзига хос хусусиятлари
8. Нарсаларни бериб олишда қўлланиладиган равиш келишиги

**Ўқув мақсади**: Талабаларда корейс тилидаги равиш келишиги, унинг қўлланилиш усуллари ва хусусиятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш, вақтни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш

**Вақт оралиғи ва давр**

Белгиланган вақт ва вақт оралиғини ифодалашда (1) даги каби 에 ишлатилади. Тартибни ифодалашда ҳам (2) даги каби 에 ишлатилади.

(1) 가. 우리 다섯 시<u>에</u> 만날까요? Биз соат 5 да учрашамизми?

나. 저는 내일 아침<u>에</u> 미국으로 가요. Мен эртага эрталаб Америкага кетаман.

다. 그는 조금 전<u>에</u> 떠났어요. У бироз олдин кетди.

라. 이순신은 조선 시대<u>에</u> 살던 사람이다. И Сун Шин Чосон даврида яшаган одам.

(2) 가. 민수가 처음<u>에</u> 하고 영미가 (나중/중간/끝/마지막<u>에</u>) 해라. Минсу биринчи қилсин, Ёнгми сен эса кейинроқ қилгин

나. 내가 첫 번째<u>에</u> 할 테니 너는 두 번째<u>에</u> 해라. Мен биринчи қилаётганлигим учун сен кейин қил.

도움말

1. Вақт ифодаланганда ҳам 에 ишлатилмайдиган ҳолатлар бор. '이제, 방금, 지금, 곧, 아까' каби вактни ифодалайдиган равишларга 에 қўшилмайди. Ҳамда '어제, 오늘, 내일, 언제' каби сўзларга ҳам 에 қўшилмайди.

(1) 가. 이제<u>에</u> 시작합시다.(X)

나. (지금/방금<u>에</u>) 도착했습니다.(X)

다. (어제/방금<u>에</u>) 한국에 왔습니다.(X)

라. (내일/모레<u>에</u>) 만납시다.(X)

마. 언제<u>에</u> 영화 보러 갈래?(X)

Баъзида 때 ёки 날 каби сўзлардан кейин 에 тушиб қолиши ҳам мумкин.

가. 그때(에) 우리는 노래를 부르고 있었다. Ўша пайтда биз кўшиқ айтаётган эдик.

나. 다음 날(에) 우리는 여행을 떠났다. Кейинги кун биз саёҳатга жўнаб кетдик.

**Бошланиш вақти**

Бошланиш вақтини ифодалаш ёки ўзгариш содир бўлаётган пайтни ифодалашда 부터 ёки 에 ишлатилади. Бу пайтда бошланиш аниқ бўладиган ҳолларда 부터 дан фойдаланилади.

가. 한국어 수업은 열 시(부터/에) 시작합니다. Корейс тили дарси соат 10 дан (да) бошланади

나. 내일 오후(부터/에) 날씨가 풀린다고 해요. Эртага тушдан сўнг (бошлаб) ҳаво очилади деб айтишди.

다. 그 영화는 올해 2 월(부터/에) 개봉합니다. У кино бу йил февралдан (да) намойиш этилади

**도움말**

Қуйидаги каби фақат кесим билан бошланадиган ёки ўзгариш маъносига эга бўлмаган пайтда 에 ва 부터 нинг ишлатилиш маънолари фарқ қилади.

(1) 가.나는 어젯밤<u>에</u> 한국어를 공부했어요. Мен кеча оқшом корейс тилидан дарс қилдим.

나.나는 어젯밤<u>부터</u> 한국어를 공부했어요. Мен кеча оқшомдан бошлаб корейс тилини ўқидим.

(1 가), (1 나) даги '공부하다' феъли бошланиш ёки ўзгаришни ифодалайдиган маънога эга эмас. Бундай ҳолларда 에 билан 부터 нинг маънолари бирлашмайди. Шунга кўра (1 가) билан (1 나) нинг маънолари фарқ қилади. Яъни, (1 가) даги гапда дарс қилинган вақт ифодаланиб, (1 나) мисолида эса ўқишни бошлаган вақт оралиғи кучайтириб ифодаланган.

**Одам ёки ҳайвонни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги**

Одам ёки ҳайвонни ифодалайдиган от ҳол сифатида ишлатилганда асосан узоқлашиш ва яқинлашиш, олиш-бериш, ўзаро муносабат, ҳақ-ҳуқуқ кабиларни ифодалаш ҳолати кўп учрайди.

- **Яқинлашиш ва узоқлашиш**

Олдинда жойни ифодаловчи ҳол “узоқлашиш”ни ифодалаб келганда '에서' дан фойдаланилиб, “якинлашиш”ни ифодалаган вактда '에' дан фойдаланилади. Аммо киши ёки хайвонни ифодалайдиган сўз жойни ифодалайдиган сўздан фаркли равишда қуйидагидек “узоқлашиш” бўлганда '에게서'/'한테서' дан фойдаланилиб, “якинлашиш” маъносини берганда эса '에게'/'한테' дан фойдаланилади

가. 그 아이는 엄마[에게서/한테서] 떨어졌다. У бола онасидан узоқлашди.

나. 고양이가 원숭이{에게/한테} 안겼다. Мушукни маймун қучоқлади.

- **Бериб олиш**

Бу ердаги “бериб олиш” дегани, бу аник нарсани бериб олиш бўлиб, мавҳум нарсани бериб олиш, гапириб эшитишни ҳам ўз ичига олади. Қарши томонга нарса бериш ёки мавҳум нарсани бераётган вақтда ҳамда гапираётган вақтда қуйидаги (31) мисолидагидек '에게/한테' дан фойдаланилиб, ҳурмат шаклда эса '께' дан фойдаланилади. Бир тарафдан, қарши томондан нарса ёки мавҳум нарсани олган вактда ва гапни эшитаётган вақтда (32) мисолидагидек '에게서/한테서' ва '(으)로부터' дан фойдаланилади.

(1) 가.나는 민수{에게/한테} 선물을 주었다. Мен Минсуга совға бердим.

나.나는 민수{에게/한테} 좋아한다고 말했다. Мен Минсуга яхши кўришимни айтдим.

다.나는 민수{에게/한테}연필을 던졌다. Мен Минсуга қаламни отдим.

라.나는 할머니<u>께</u> 선물을 드렸다. Мен бобомга совға бердим.

마.도산 안창호 선생은 우리 민족에게 큰 영향을 미쳤다. Тосандаги Ан Чанг Хо ўқитувчи халқимизга катта таъсир кўрсатди.

(2) 가.나는 민수{에게서/한테서/로부터} 선물을 받았다. Мен Минсудан совға олдим.

나.나는 민수{에게서/한테서/로부터} 좋아한다는 말을 들었다. Мен Минсудан ёктиришини эшитдим.

다.나는 민수{에게서/한테서/로부터} 맞았다. Мен Минсудан тарсаки едим.

라.우리는 그분 {에게서/한테서/으로부터}많웅 영향을 받았다. У киши бизга кўп таъсир ўтказган

**도움말**

1.Аммо "олиб бериш" вазиятида кесим кўпинча '주다, 받다, 전하다, 얻다, 말하다, 듣다' бўлиб, "берадиган/гапирадиган одам"и билан "оладиган/эшитадиган киши"си аник бўлган ҳолатлар кўп. Шу сабабли гапда '에게/한테' билан '에게서/한테서' фарқланмаган ҳолда фақат '에게/ 한테' билан келади..

(1) 가.철수(에게/한테/에게서/한테서) 전화가 왔어. Чолсудан телефон бўлди.

나.철수에게/한테 전화가 왔어. Чолсуга телефон бўлди.

Бериб олинадиган объект инсон ёки ҳайвон эмас нарса ёки жой бўлганда '에, 에서, (으)로부터' кўшимчаларидан фойдаланилади.

(2)가.그분은 우리 학교에 장학금을 전달했다. У киши мактабимизга стипендия ўтказди.

나.나는 학교{에서/로부터}장학금을 받았다. Мен мактабдан стипендия олдим.

다.내가 아까 꽃에 물을 주었다. Мен боя гулга сув бердим.

라.벌은 꽃에서 꿀을 얻는다. Ари гулдан асал олади.

**Таянч сўзлар:** 격조사, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사, 주어, 목적어, 조사

**Мавзу бўйича саволлар**

**1)** Равиш келишиги гапда қандай вазифани бажариб келади?

**2)** Корейс тилида вақтни ифодалашда қайси келишик кўшимчалари ишлатилади?

**3)** Вақт оралиғи ва даврни ифодалашда қайси келишик кўшимчаларидан фойдаланамиз?

**4)** Бошланишдаги вақтни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги

**5)** Равиш келишигига мисоллар келтиринг

**Адабиётлар:**


1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005

3. Корейсча-русча луғат

## 9-МАВЗУ
## РАВИШ КЕЛИШИГИ – УМУМИЙЛИК ВА ЖУФТЛИК

**9-дарснинг амалий машғулот режаси**

1. Умумийлик ва жуфтликда ишлатиладиган равиш келишигининг гапларда қўлланилиши
2. Ҳуқуқий ҳолатни ифдаловчи равиш келишиги
3. Асбоб ёки воситани ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги
4. Хом-ашёни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишигининг гапларда қўлланилиши
5. Чегарани ифодалашда қўлланиладиган равиш келишигининг ўзига хос хусусиятлари
6. 에서 ва 부터 нинг қўлланилишидаги фаркли ҳамда ўхшаш жиҳатлар

**Ўқув мақсади**: Талабаларда корейс тилидаги равиш келишиги, унинг қўлланилиш усуллари ва хусусиятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш, умумийлик ва жуфтликни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Умумийлик дегани "биргаликда бажариш" маъносини бериб, "жуфтлик" эса ўзаро жуфт бўладиган муносабатни билдиради, бундай вазиятларда '와/과' ишлатилади. Сўз охири унли билан тугаса '와', ундош билан тугаса '과' қўшилади. '와/과' ўрнига '하고' ва '(이)랑' ишлатилиб умумийлик ва жуфтлик маъносини ҳам ифодалайди.

(1) 가.민수는 영미와 결혼했다. Минсу Ёнгми билан турмуш қурди

나.김 선생님은 박 선생님과 한편이 되었다. Ким домла Пак домла билан бир тараф бўлди.

다.우리는 적군과 싸웠다. Биз душман билан уришдик

라.민수는 영수와 씨름을 했다. Минсу Ёнгсу билан кураш тушди.

마.철수는 영호랑 수영을 했다. Чолсу Ёнгхо билан сузди.

바.민정이는 순영이하고 여행을 갔다. Минжонги Сунёнги билан саёҳатга кетди.

- **Ҳуқуқ**

"Ҳуқуқ" ёки "жамиятдаги вазифа"ни ифодаловчи ҳол ўзига хос ҳолатлардан ташқари кўпинча кишилар билан боғлиқ бўлади. Бу ҳолни ҳосил қилувчи қўшимчалар '(으)로서' ва '(으)로' дир. Бу иккала қўшимчаларни ўзаро бир-бири билан алмаштириб ишлатиш қийин бўлган вазиятлар кўп.

(2) 가.그는 대통령으로서 책무를 다했다. У президент сифатида ўз масъулиятини бажарди.

나.저는 군인으로서 나라를 열심히 지키고 있습니다. Мен аскар сифатида мамлакатни ғайрат билан қўриқламоқдаман.

다.그분은 자녀들에게 자식으로서 효도를 다하라고 가르쳤다. У киши болаларига фарзанд сифатида ота-онага ҳурмат бажо келтиришни ўргатди.

(3)가.영미는 민수를 남편으로 맞았다. Ёнгми Минсуни эр сифатида қабул қилди.

나.민수는 영수를 친구로 생각하지 않는다. Минсу Ёнгсуни дўст сифатида ўйламайди.

다.어머니는 이웃집 할머니를 어머니로 모셨다. Ойим қўшни уйдаги бувини она сифатида кўради.

(으)로서 орқада келган кесимнинг маъносидаги эга билан бирлашган отга қўшилиб ишлатилган. Масалан (1 가) даги "У президентдир" ва "у ўз масъулиятини бажарди" деб икки қисмга бўлиб изоҳ берса бўлади. Бир томондан '(으)로' тўлдирувчи маъносидаги эга-кесим муносабатидаги отга қўшилиб келган. (2) даги '남편으로, 친구로, 어머니로' ларнинг ҳар бири '민수를 영수를 할머니를' сўзлари билан маъно жиҳатидан эга-кесим муносабатида қўйилган.

**Асбоб ёки восита, хом-ашёни ифодалаганда қўлланиладиган равиш келишиги**

Асбоб ёки воситани ифодаловчи ҳолларда асосан қуйидаги '(으)로' ёки '(으)로써' лар ишлатилади. Бу икки тур қўшимча орасидан асосан '(으)로' кўпроқ қўлланади лекин, қуйидаги 2-мисолдаги каби феълнинг от шакли бўлган вазиятларда '(으)로써' кўпроқ қўлланилади.

(1) 가.민수는 톱으로 나무를 잘랐다. Минсу арра билан дарахтни кесди.

나.나는 기차로 출근한다. Мен поездда ишга бораман.

다.힘으로 해결하려 하지 말고 대화로 해결하라. Куч билан ҳал килмасдан муомала билан ҳал кил.

(2) 가.그가 장렬하게 죽음으로써 그의 부하들은 살 수 있었다. У қаҳрамонларча ўлим билан ишчиларини саклаб қолди.

나.그는 일등을 함으로써 자신의 욕구를 충족시켰다. У биринчи ўринни олиш билан ўзининг хоҳишини қондирди.

Хом-ашёни ифодалаб келганда '(으)로써' унчалик ишлатилмайди, '(으)로' кўпрок кўлланилади.

(3) 가.포도로 술을 만들었다. Узумдан арок тайёрланди.

나.나무로 집을 지었다. Дарахтдан уй курилди.

다.우유로 치즈를 만들었다. Сутдан пишлоқ тайёрланди.

- Чегарани ифодалаб келувчи равиш келишиклари.

Чегаранинг бошланғич нуқтасини ифодалашда '부터' дан фойдаланилиб, чегара якуни ёки чегараланган нуктани ифодалаш вақтида '까지' кўлланилади.

(4) 가.큰아버지 댁부터 들르자. Катта амакимнинг уйидан бошлайлик

나.수업은 10 시부터 시작합니다. Дарс соат 10 дан бошланади.

다.너부터 해 봐. Ўзингдан бошла.

라.여기까지가 우리땅입니다. Шу ергача бизнинг ер.

마.5 시까지는 반드시 제출하세요. Соат 5 гача албатта топширинг.

바.끝까지 그럴 거야? Охиригача шундай қиласанми?

Шунингдек чегаранинг боши ва якунини бир вақтнинг ўзида ифодалаганда асосан '-부터 -까지' шунингдек '-에서 -까지' ҳам кўлланилади.

(5) 가.집에서 학교까지 얼마나 걸리나요? Уйдан мактабгача қанча вақт кетади?

나.처음부터 끝까지 한 번 읽어 봐. Бошидан охиригача бир ўкиб кўр

다.12 시{부터/에서} 1 시까지가 점심시간입니다. Соат 12 дан 1 гача тушлик вақти.

라.어릴 때부터 중학교 때까지 시골에서 자랐어요. Ёшлигимдан ўрта мактаб давригача кишлоқда ўсганман.

**도움말**

Вақт чегарасини ифодалашда '부터' ўрнида ҳар доим ҳам '에서' қўлланилмайди. Асосан бошланиш вақти аниқ билинмаган ҳолатларда '에서' дан фойдаланилмайдиган ҳолатлар кўп. Қуйидаги (1), (2), (3) мисолларидаги тагига чизилган '1 시', '2001 년', '수요일' каби бошланиш вақти ўзига хос бўлган вазиятларда '부터' ҳам '에서' ҳам қўлланилади. Аммо (4), (5), (6) мисолларидаги '조금 후', '재작년', '어제' каби бошланиш вақти ўзига хос бўлмаса фақат '부터' дан фойдаланиш мумкин, '에서' ни қўллаб бўлмайди.

(1) 가. 1 시부터 3 시까지는 사무실에 없을 거예요.(O) Соат 1 дан 3 гача идорада бўлмайман.

나.1 시에서 3 시까지는 사무실에 없을 거예요.(O) Соат 1 дан 3 гача идорада бўлмайман.

(2) 가. 2001 년부터 2002 년까지 한국에 있었어요.(O) 2001 йилдан 2002 йилгача Кореяда бўлганман.

나.2001 년에서 2002 년까지 한국에 있었어요.(O) 2001 йилдан 2002 йилгача Кореяда бўлганман.

(3) 가.수요일부터 금요일까지 휴일입니다.(O) Чоршанбадан жумагача дам олиш куни.

나.수요일에서 금요일까지 휴일입니다.(O) Чоршанбадан жумагача дам олиш куни.

(4) 가.조금 후부터 1 시까지는 사무실에 없을 거예요.(O) Бироздан сўнг то соат 1 гача идорада бўлмайман.

나.조금 후에서 1 시까지는 사무실에 없을 거예요.(X)

(5) 가.재작년부터 작년까지 한국에 있었어요.(O) 2 йил олдиндан то ўтган йилигача Кореяда эдим.

나.재작년에서 작년까지 한국에 있었어요.(X)

(6) 가.어제부터 내일까지 휴가입니다.(O)

나.어제에서 내일까지 휴가입니다.(X)

**Таянч сўзлар:** 격조사, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사, 주어, 목적어, 조사

### Мавзу бўйича саволлар

**1)** Равиш келишиги гапда қандай вазифани бажариб келади?

**2)** Корейс тилида одамларга нисбатан муносабатни ифодалашда қайси келишик қўшимчалари ишлатилади?

**3)** Яқинлашиш ва узоқлашишга нисбатан қайси келишик қўшимчаларидан фойдаланамиз?
**4)** Бериб олишни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги қайсилар?
**5)** Умумийлик ва жуфтлик равиш келишигига мисоллар келтиринг
6) Ҳуқуқ ёки жамиятдаги вазифани ифодаловчи равиш келишигига мисоллар келтиринг

**Адабиётлар:**

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.
2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005
3. Корейсча-русча луғат

**Таянч сўзлар:** 격조사, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사, 주어, 목적어, 조사

## 10-МАВЗУ
## САБАБНИ ИФОДАЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН РАВИШ КЕЛИШИГИ

### 10-дарснинг амалий машғулот режаси

**Мавзу: Сабабни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги**

1. Сабаб ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги
2. Ўлчовни ифодалаб келувчи равиш келишигининг гапларда қўлланилиши
3. Ўзгаришни ифодалашда қўлланиладиган равиш келишигининг ўзига хос хусусиятлари
4. Таққослашни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги қўшимчалари
5. Ҳолат ёки ҳудудни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиклари.
6. Корейс тилидаги мустақил сўзни ифодаловчи қўшимчалар
7. Корейс тилидаги 보조사 ёрдамчи қўшимчаларнинг гапларда қўлланилиши
8. Корейс тилида 보조사 ёрдамчи қўшимчаларнинг ўзига хос хусусиятлари

**Ўқув мақсади**: Талабаларда корейс тилидаги сабабни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги, унинг қўлланилиш усуллари ва хусусиятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш

Бирор бир иш ёки ҳолатнинг натижаси ҳақидаги сабабни ифодаловчи равишлардан '(으)로' ва '에' ишлатилади, асосан яхши бўлмаган вазиятларни ифодалайди.

(1)가.요사이는 암으로 죽는 사람이 많다. Шу кунларда ракдан ўлаётган одамлар кўп.

나.가뭄으로 수확이 많지 않다. Қурғоқчиликдан ҳосил кўп бўлмади.

다.그의 갑작스러운 죽음으로 온 나라가 슬픔에 빠졌다. Унинг тўсатдан ўлимидан бутун мамлакат ғамга чўкди.

(2) 가.폭풍우에 나무가 쓰러졌다. Тўфон ва жаладан дарахтлар қулаб тушди.

나.싸우는 소리에 잠이 깼다. Уришган овоздан уйғониб кетдим.

Юқорида ишлатилган '암, 가뭄, 죽음, 싸우, 폭풍우' каби сўзларнинг ўзиданоқ яхши бўлмаган иш содир бўлаётганлигини тахмин қилса бўлади. Шу каби '(으)로', '에' қўшимчалари гапдаги натижа ҳақидаги сабабни билдирганда қўлланилади.

도움말

Сабабни ифодалайдиган сўз сифатида '때문에' ҳам ишлатилади. '때문에' ижобий ёки салбий сабабни ифодалашда ҳам ишлатилади, қуйидаги (1 다), (1 라) даги каби инсон билан боғлиқ бўлган ибора бўлган ҳолларда асосан салбий маънони ифодалайдиган кесим билан биргаликда ишлатилади. (1 다) мисолини '영수 덕분에 성공했어' га ўзгартирсак табиий гап бўлади.

(1) 가. 순이가 도와주었기 때문에 시험에 합격할 수 있었다. Суни ёрдам берганлиги сабабли имтиҳондан ўта олдим.

나. 담배 때문에 폐암에 걸렸어. Сигарет сабабли ўпка силига чалиндим.

다. 영수 때문에 성공했어.(X)

라. 영수 때문에 실패했어.(O)

Шунингдек '때문에' сўзи '(으)로' ёки '에' га ўзгарганда асосан салбий сабабни ифодалайди. '때문에' ни ишлатганда сабабнинг даражаси '(으)로' ёки '에' ни ишлатгандан кўра янада кучлирок деб айтиш мумкин.

(2) 가. 지진과 해일로 많은 사람들이 죽거나 다쳤다. Зилзила ва цунамидан кўп одамлар ўлишди ва жароҳатланишди.

나.지진과 해일 때문에 많은 사람들이 죽거나 다쳤다. Зилзила ва цунами сабабли кўп одамлар ўлишди ва жароҳатланишди.

(3) 가. 천둥 소리에 모두들 깜짝 놀랐다. Чақмоқ овозидан ҳамма кўрқиб кетишди.

나. 천둥 소리 때문에 모두들 깜짝 놀랐다. Чақмоқ овози сабабли ҳамма кўрқиб кетишди

- **Ўлчовни ифодалаб келувчи равиш келишиклари**.

Нарх ёки оғирлик каби ўлчовни ифодалайдиган ҳолдан '에' кўшимчаси ишлатилади.

가. 나는 그것을 500 원에 팔았다/샀다. Мен уни 500 вонга сотдим/сотиб олдим.

나. 이 과자는 열 개에 2,000 원이다. Бу ширинликнинг 10 таси 2000 вон.

다. 쇠고기 한 근에 얼마죠? Мол гўштининг бир ўрами неча пул?

라.우리는 한 달에 한 번씩 모입니다. Биз бир ойда бир мартадан йиғиламиз.

- **Ўзгаришни ифодалайдиган равиш келишиклари**.

(1) мисолидаги каби бир предмет бошқасига ўзгариши ёки (2) даги каби бирор бир нарса ҳақидаги билим ўзгарган вақтда у ўзгаришнинг натижасини ифодалайдиган отга '(으)로' кўшилиб ишлатилади.

(1) 가.얼음이 물로 변했다. Муз сувга айланди.

나.그는 이상한 사람으로 바뀌었다. У ғалати одамга айланди.

(2)가.그 사람은 사기꾼으로 드러났다. У киши фирибгар бўлиб чиқди.

나.그가 죽은 것으로 알려졌다. Уни ўлган деб билишади.

- **Таққослашни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиклари**.

Таққослаш маъносини ифодаловчи кўшимча солиштириш характерига кўра катта 2 турга бўлинади. Биринчиси фарқ таққоси.

Фарқ таққоси таққосланаётган икки бўлим орасида фарқ борлигини кўрсатади, буни ифодалаш учун гап асосан (таққосланувчи объект+таққослаш даражаси+таққослаш мазмуни)структурага эга бўлиб бу вақтда таққослаш даражасида '보다' равиш келишиги қўлланилади.

(1) 가.민수는 영수보다 (더) 잘/빨리 뛴다. Минсу Ёнгсуга қараганда (янада) яхши чопади.

나.영미가 순희보다 키가 (더) 크다. Ёнгми Сунига қараганда бўйи (янада) узунроқ.

Иккинчиси бир хилдаги солиштириш бўлиб, бунда ҳам икки тур бор. Бири '처럼' ёки '만큼' равиш келишигидан фойдаланиб ифодаланади, яна бошқа тури '와/과' равиш келишигидан фойдаланиб ифодаланади. Корейс тилида бир хилдаги солиштириш ва фарқли солиштиришда фақат таққослаш нормасидаги қўшимча фарқ қилиб у гапнинг структураси бир хил бўлади.

(2)가.민수는 갓난아기 (만큼/처럼) 많이 잔다. Минсу янги туғилган чақалоқ (дай/каби) кўп ухлайди.

나.이 시계는 저 시계와 모양이 같다. Бу соат ана у соат билан шакли ўхшайди.

다.민수는 영수와 달라. Минсу Ёнгсудан фарқ қилади.

- **Ҳолат ёки худудни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиклари.**

Ҳолат ёки худудни ифодалашда '에서' дан фойдаланилади.

가.우리는 엄격한 아버지 밑에서 자라났다. Биз қаттиққўл ота қўл остида ўсдик.

나.한국 사회에서 가장 취약한 부분은 복지 문제이다. Корея жамиятида энг заиф томон ер масаласидир.

다.우리 반에서 가장 뚱뚱한 아이는 민수이다. Бизнинг гуруҳда энг семиз бола Минсу.

라.거울아, 거울아, 세상에서 가장 예쁜 사람은 누구니? Кўзгу, кўзгу, дунёда энг чиройли одам ким?

**Мустақил сўзни ифодаловчи қўшимча**

Кишиларнинг исми каби атокли от ёки кишилик олмошилари кимнидир чақирган вақтда ишлатиш учун фойдаланиладиган қўшимчаларга чақирув келишиги қўшимчаси дейилади. Чақирув

келишиги кўшимчаларига '아/야' лар киради, ундош билан тугаса '아', унли билан тугаса '야' кўшимчаси кўшилади.

가.현교야, 시장에 좀 다녀와라. Хёнгё, бозорга бориб кел.

나.해솔아, 지금 몇 시니? Хесол, ҳозир соат нечи?

도움말

Чакирув келишигини кўп холларда, дўстлар ўртасида ёки кичикларга нисбатан ишлатса бўлади. Лекин '아/야' нинг хурмат шакли сифатида '여/이여' ва '이시여' лар ҳам ишлатилади лекин, кундалик диалогда кўп ишлатилмайди, ибодат ёки шеърий ифода ва бошқаларда қўлланилади.

가. 그대여, 내 곁에 있어 주오. Сен менинг ёнимда бўл.

나. 주여, 저들의 간절한 기도를 부디 들어 주소서. Бизнинг чин юракдан килган ибодатимизни илтимос эшит.

다. 님이시여, 그대 앞에 다시 서게 하소서. Сиз унинг олдида яна бўлинг.

**Таянч сўзлар:** 격조사, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사, 주어, 목적어, 조사

## Мавзу бўйича саволлар

**1)** Ўлчовни ифодаловчи равиш келишиги гапда қандай вазифани бажариб келади?

**2)** Корейс тилида сабабни ифодалашда қайси келишик кўшимчалари ишлатилади?

**3)** Ўзгаришни ифодалаганда кайси келишик кўшимчаларидан фойдаланамиз?

**4)** Таққослашни ифодалашда ишлатиладиган равиш келишиги қайсилар?

**5)** Ҳолат ёки ҳудудни ифодалашда қўлланиладиган равиш келишигига мисоллар келтиринг

**6)** Корейс тилидаги мустақил сўзлар гапда қандай вазифани бажариб келади?

**7)** Корейс тилида 보조사 ёрдамчи кўшимчалардан қайсилари ишлатилади?

**8)** Ёрдамчи кўшимчаларга мисоллар келтиринг

## Адабиётлар:

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005
3. Корейсча-русча луғат

# 11-МАВЗУ
# 보조사 –ЁРДАМЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

**11-дарснинг амалий машғулот режаси**

1. Ёрдамчи қўшимчаларнинг хусусиятлари
2. Корейс тилидаги ёрдамчи қўшимчаларнинг турлари
3. Солиштириш маъносини ифодалашда қўлланиладиган ёрдамчи қўшимчалар
4. Асосий мавзунинг маъносини ифодалашда қўлланиладиган ёрдамчи қўшимча.

**Ўқув мақсади**: Талабаларда корейс тилидаги ёрдамчи қўшимчалар, уларнинг қўлланилиш усуллари ҳамда хусусиятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш

**Ёрдамчи қўшимчаларнинг хусусияти**

Ёрдамчи қўшимча бу от ёки от вазифасини бажарувчи сўз гапда бажарадиган вазифани ифодалашда ишлатиладиган келишик қўшимчаларидан фарқли ўлароқ, сўзловчининг ҳаракатини белгилаб ёки олдиндаги сўзда маънони кучайтиришда ишлатиладиган қўшимчага айтилади.

(1)가. 너마저 나를 버리다니. Ҳатто сен мени ташлаб кетганинг нимаси

나.이번 달에도 상여금을 준대. Бу ойда ҳам мукофот пули беришаркан

다.이번 달에는 상여금을 준대. Бу ойда мукофот пули беришаркан

라. 이번 달에 월급은 준대. Бу ойда ойлик беришаркан

마. 이번 달에 상여금도 준대. Бу ойда мукофот пули ҳам беришаркан.

(1 가) мисолидаги гап "너" "나" ни ташлаганлиги ҳақидаги фақат оддий ҳақиқатни айтган эмас, балки сўзловчининг фикри ва ҳиссиётини ўз ичига олгандир. Буни ифодалаб бераётган қўшимча "마저" айнан ёрдамчи қўшимчадир.

(1 나)-(1 마) мисолларидаги гап тузилиши бир хил, лекин уларнинг маънолари бироз фарқ қилади. Яъни, "은/는"ва "도"дан

фойдаланиш орқали ўтган ойда ҳам мукофот пули берилганлиги ёки берилмаганлигини, яна фақат маош бериши ёки мукофот пули ҳам беришдаги фаркни кўрсатган. Бундай маъноларнинг фаркини аниқловчи қўшимчалар айнан ёрдамчи қўшимчалардир. Бундай қўшимчалар олдиндаги сўзга ўзига хос маъно беришадиган вазифани бажаради.

Бир томондан, ёрдамчи қўшимчалар қуйидаги (2) дагидек нафақат от, равиш, феълнинг тусланиши эмас балки ўзакка ҳам қўшилиши мумкин.

(2) 가. 형도 공부하러 갔다. Акам ҳам ўқишга кетди.

나. 눈이 몹시도 내린다. Қор жуда кўп ёғяпти.

다. 왜 들어오지도 않고 바로 가려고 하니? Нега кирмай тўғри кетмоқчи бўляпсан?

라. 집이 깨끗도 하다. Уй тоза ҳам.

**돋보기**

Бош келишик қўшимчаси ва тушум келишиги қўшимчалари ёрдамчи қўшимчалар билан бирга келмасдан ёрдамчи қўшимчаларни қўллаганда бу иккала қўшимча тушиб қолади. Лекин жойни ифодаловчи равиш қўшимчалари орасида ёрдамчи қўшимчалар билан боғланганда тушиб қолиши ёки тушиб қолмаслиги ҳам мумкин.

(1)가. 김치가 맛있었습니다.(o) Кимчи мазали эди

나. 김치도 맛있었습니다.(0) Кимчи ҳам мазали эди

라. 김치가도 맛있었습니다.(×)

(2)가. 저는 비빔밥을 좋아해요.(o) Мен пипимпапни яхши кўраман

나. 저는 비빔밥은 좋아해요.(o) Менга пипимпап ёқади

다. 저는 비빔밥을은 좋아해요.(o)

(3) 가.학교에 안 가고 뭐하니?(o) Мактабга бормай нима қиляпсан?

나. 학교도 안 가고 뭐하니?(o) Мактабга ҳам бормай нима қиляпсан?

다. 학교에도 안 가고 뭐하니?(o) Мактабга ҳам бормай нима қиляпсан?

(4) 가. 너는 학교에서 안 조니?(o) Сен мактабда мудрамайсанми?

나. 너는 학교는 안 조니?(×)

다. 너는 학교에서는 안 조니?(o) Сен мактабда мудрамайсанми?

Юқоридаги (1 나), (2 나), (3 나), (4 나) мисолларида '은/는' ёки '도' ёрдамчи қўшимчалари қўлланилиб '이/가', '을/를', '에', '에서' келишик қўшимчалари тушиб қолган. Шунингдек, (1 다), (2 다), (3 다), (4 다) мисолларида '이/가', '을/를', '에', '에서' келишигидан кейин '은/는' ёки '도' ёрдамчи қўшимчалари қўлланилган. Бош келишик қўшимчалари "이/가" ёки тушум келишиги қўшимчаси '을/를' дан кейин ёрдамчи қўшимчалар қўшилган ҳолатда албатта "이/가" ёки '을/를' тушиб қолиши керак. Агар бундай бўлмаса (1 다), (2 다) мисолларидек гап нотўғри бўлади. Шунингдек, (3 나), (4 다) дагидек равиш келишигидан кейин ёрдамчи қўшимчалар келса келишик қўшимчаси тушиб қолиши ҳам тушиб қолмаслиги ҳам мумкин.

**Ёрдамчи қўшимчаларнинг турлари**

**Солиштириш маъносини ифодалашда қўлланадиган ёрдамчи қўшимчалар.**

Солиштириш маъносини ифодалашда қўлланадиган ёрдамчи қўшимча бу '은/는' дир.

(3) 가. 나는 간다. Мен кетяпман

나.일본어는 할 줄 알아요. Япон тилини биламан

다.아무리 싫어도 학교는 가야지. Ҳар қанча ёқтирмаса ҳам мактабга бориш керак.

라. 미국에 가 보기는 했지요. Америкага бориб кўрганман.

(3 가)~(3 라) мисолларининг ҳар бирида "бошқа одамнинг бормаганлиги", "бошқа чет тилини билмаслик", "бошқа жойга бора олмаслик ҳам мумкинлиги", "Американи яхши томоша қила олмаганлиги" каби солиштириш маъноларини ўз ичига олган бўлиб, бундай қиёслаш маъносини ифодаловчи асос эса '은/는' дир.

**Асосий мавзунинг маъносини ифодалашда қўлланиладиган ёрдамчи қўшимча.**

Асосий мавзунинг маъносини ифодалашда қўлланиладиган ёрдамчи қўшимча '은/는' дир.

(4) 가. 그 사람은 아들이 의사예요. У одамнинг ўғли врач.

나. 저는 미국에서 온 마이클입니다. Мен Америкадан келган Майклман.

다. 고래는 물고기가 아닙니다. Кит балик эмас.

(4) мисолдаги “그 사람은, 저는, 고래는” га қўшилган барча ‘은/는’ қўшимчаси “-билан гапирилса”, “ҳақида айтмоқчи бўлсак” маъноларида изоҳланади. Бу каби ‘은/는’ гапнинг энг олд қаторида келадиган таркибга қўшилиб асосий мавзуни ифодалаган вақтда одатда у от сўзловчи ёки тингловчига маълум бўлган одам, предмет ёки бирор бир объектни ўз ичига олган гап ҳисобланади. (4 가), (4 나) мисолларидаги ‘그 사람, 저’ сўзловчи ёки тингловчига маълум бўлган шахс бўлиб, (4 다) даги турдошликни кўрсатадиган объектдир.

돋보기

Инглиз тили каби эга гапнинг энг бошида келадиган “эга марказий бўлган тиллар” га қараганда корейс тили “асосий мавзу марказий бўлган тиллар” сифатида кучли характерга эгадир. Яъни, корейс тилида гап ичида қандай таркиб бўлса ҳам гапнинг энг олдига чиқариб ‘은/는’ қўшилса асосий мавзу бўлади.

(1) 가. 내가 사과를 먹었어. Мен олмани едим.

나. <u>그 사과는</u> 내가 먹었어. У олмани мен едим.

(2) 가. 나는 어제 하루 종일 집에 있었어. Мен кеча кун бўйи уйда эдим.

나. <u>어제는</u> (나는) 하루 종일 집에 있었어. Кеча (мен) кун бўйи уйда эдим.

(3) 가. 나는 영수에게 벌써 돈을 갚았지. Мен Ёнгсуга аллақачон пулни қайтардим.

나. <u>영수에게는</u> (나는) 벌써 돈을 갚았지. Ёнгсуга (мен) аллақачон пулни қайтардим.

(4) 가. 막내가 제일 착하지. Кенжамиз энг яхши.

나.<u>착하기는</u> 막내가 제일이지. Яхшиликка кенжамиз энгда.

**Таянч сўзлар:** 보조사, 격조사, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사, 주어, 목적어, 조사

**Мавзу бўйича саволлар**

**1)** Ёрдамчи қўшимчалар гапда қандай вазифани бажариб келади?

**2)** Солиштириш маъносини ифодалашда қўлланиладиган ёрдамчи қўшимчалардан қайсилари ишлатилади?

**3)** Асосий мавзунинг маъносини ифодалашда қўлланиладиган ёрдамчи қўшимчаларга мисоллар келтиринг

**Адабиётлар:**

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005

3. Корейсча-русча луғат

# 12-МАВЗУ
# ИСТИСНО ЁКИ ЧЕКЛАШ, ҚАМРАБ ОЛИШ ЁКИ КУЧАЙИШ, ТАНЛАШ МАЪНОСИНИ ИФОДАЛАШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЁРДАМЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

## 12-дарснинг амалий машғулот режаси

1. Истисно ёки чеклаш маъносини ифодалашда фойдаланиладиган ёрдамчи қўшимчалар.

2. Қамраб олиш ёки кучайиш маъносини ифодаловчи қўшимчалар

3. 도, 조차, 마저, 까지 ёрдамчи қўшимчаларнинг гапларда қўлланилиши

4. Танлаш маъносини ифодалашдаи шлатиладиган ёрдамчи қўшимчаларнинг ўзига хос хусусиятлари

**Ўқув мақсади**: Талабаларда истисно ёки чеклаш, қамраб олиш ёки кучайиш маъносини ифодалашда ишлатиладиган ёрдамчи қўшимчалар, унинг қўлланилиш усуллари ва хусусиятлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш

"만, 밖에, 뿐" каби ёрдамчи қўшимчаларнинг барчаси "фақат" маъносини, қайта айтадиган бўлсак олдиндаги сўз кўрсатилаётган объектдан ташқари бошқа нарсани истисно қиладиган маънони ифодалайди. Бундай маънога "шовинистик маъно" деб айтилади. Яъни, шовинистик маъно олдиндаги сўзни бошқа сўздан ажратиб чегаралашни ифодалайди.

(1)가.나는 영미만 좋아한다. Мен фақат Ёнгмини яхши кўраман.

나.나는 영미밖에 좋아하는 사람이 없다. Мен Ёнгмидан ташқари яхши кўрадиган одамим йўқ.

다.내가 좋아하는 사람은 영미뿐이다. Мен яхши кўрадиган одам Ёнгми холос.

Юқоридаги (1) даги учала гапнинг маъноси бир хил. Лекин, "밖에, 뿐" кўшимчалари "만" дан фойдаланиш усулига кўра фарк килади. Шовинистик маънодаги "밖에" салбий гапларда ишлатилиб (1 나) дагидек фақат "~밖에 없다" каби тузилишда қўлланилади. Бир томондан "뿐" да олдинда қанақа сўз бўлса ҳам ундан кейин "이다" ёки "아니다" келиши керак бўлиб, ундан ташқари бошқа ҳар қандай кесим билан ҳам боғланолмайди. Лекин, кесим сифатидаги "아니다" келган пайтда "뿐" ва "만" бирга ишлатилган "-뿐만 아니다" тузилишида кўп ишлатилиб, 뿐" ва "만" орасидан фақат биттаси ишлатилганда асосан "만" ёзилади.

(2) 가. 오늘 학교에 온 사람은 민수뿐이다.(0)

나. 그는 집에 와서뿐(만) 아니라, 학교에서도 잔다.(0)

다. 오늘 학교에 온 사람은 민수만이 아니다.(0)/ 민수뿐이 아니다.(0)

라. 나는 밥뿐 먹었다.(×)

마.나는 편지를 민수에게뿐 보냈다.(×)

"도, 조차, 마저, 까지" каби ёрдамчи қўшимчалар "яна қўшиш, яна кучайиш" каби қамраб олиш ёки кўпайиш маъносини ифодалайди.

(3) 가.민수도 나를 떠났다. Минсу ҳам мени тарк этди.

나. 민수조차 나를 떠났다. Ҳатто Минсу мени тарк этди.

다. 민수마저 나를 떠났다. Ҳаттоки Минсу мени тарк этди.

라. 민수까지 나를 떠났다. *Минсугача мени тарк этди.*

(3) даги ҳар бир мисолларда бироз фарқ бўлсада, умумий жиҳатдан 'Минсу' эмас бошқа одамлар ҳам "мени ташлаб кетди" деган маънони ўз ичига олади.

Лекин "도" ва "까지" бўлишли ва бўлишсиз гапларнинг барчасида барчаси бирдек ишлатилса ҳам, "조차" билан "마저" асосан фақат бўлишсиз гапларда ишлатилади.

(4) 가.어머, 소고기도 사오셨네요(0) Вой, мол гўшти ҳам сотиб олиб келибсизми.

나. 어머, 소고기도 안 사오셨네요(0) Вой, мол гўшти ҳам сотиб олиб келмабсизми.

(5) 가. 이런 거까지 사오셨어요? (0) Бундай нарсаларгача сотиб олиб келибсизми?

나. 이런 거까지 안사오셨어요? (0) Бундай нарсаларгача сотиб олиб келмабсизми?

(6) 가. 차비조차 가지고 왔어? Ҳатто машина пулини ҳам *олиб келдингми*?

나. 차비조차 안 가지고 왔어?(0) Ҳатто машина пулини ҳам олиб келмадингми?

(7). 가. 학교마저 갔어? Ҳаттоки мактабга бордингми?

나. 학교마저 안 갔어?(0) Ҳаттоки мактабга ҳам бормадингми?

**돋보기**

1. Равиш келишиги "까지" ва ёрдамчи кўшимча "까지" ўртасида фарқ бор.

(1) 가. 선생님, 어디까지 가세요? Устоз, қаергача борасиз?

나. 늦어도 다섯 시까지 오세요. Кеч бўлса ҳам соат 5 гача келинг.

다. 열 살까지는 무료예요. Ўн ёшгача бепул.

(2) 가. 초대해 주신 것도 고마운데, 이렇게 선물까지 주시다니. Таклиф қилганингиз учун ҳам раҳмат, бундай совға берганингиз нимаси.

나. 막내까지 결혼을 시키고 나니 허전하여 견딜 수 없네요. Кенжамни ҳам уйлантириб бўшаб қолдим чидаб бўлмас экан.

다. 기왕 왔으니 이번 일까지는 마무리하자. Вақти келди шунинг учун бу ишни ҳам тугатиб қўяйлик.

Юқорида (1) мисолларидаги тагига чизилган "까지" да бошқа нарсани ўз ичига олиш маъноси йўқ лекин, (2) мисолидаги "까지" "бошқа нарсани кучайтириш" маъносини ифодалайди. Олдиндаги ҳолатда равиш келишиги бўлиб, кейингисида ёрдамчи кўшимчадир.

2. "까지, 조차, 마저" нинг барчаси "чегаралаш"ни ифодалаш билан бирга "кутгандан бошқа" маъносига эга. Лекин буларнинг ҳар бири жуда кичик фарққа эга. '까지' "чегаралаш" маъносида кенгайиб қуйидаги каби одатий эмас деб ҳисобланган ҳолатларда ҳам ишлатилади. Бу вақтда '까지' дан кейин '도' қўйилса маъно янада аниқроқ бўлади.

(3)가. 민수까지(도) 우리 편에 끼워 주자.

나. 동생 것까지(도) 먹었어?

다. 그는 자식의 교육을 위해 때리기까지(도) 했다.

Бир томонда '마저' жуда ҳам охирги чегарали ёки сўнгги чегарадан чиқиш ҳолатларида асосан ишлатилиб унинг натижаси сўзловчига номақбул ишлардакўп ишлатилади. Ҳамда '조차' *сўзловчи кутмаган иш бўлиши ёки энг бошланғич чегарадан* чиққан ҳолатларда асосан ишлатилади, сўловчининг умиди буйруқ ёки биргалик гапда ишлатилиши қийин бўлиб асосан салбий вазиятларда ишлатилиш хусусияти бор.

(4) 가. 그는 ABC 조차 모른다.

나. 그는 ABC 마저 모른다.

(5) 가. 그는 아파트마저 팔아먹었다.

나. 그는 아파트조차 팔아먹었다.

3. '도' ҳам қуйидаги каби инкор гапларда "фавқулодда ҳолатларга ўрнини бўшатиб бериб бошқа ҳолларда ортиқ сўзлаш шарт бўлмаган" маъносини ҳам ифодалайди.

(6) 가. 너는 그것도 못하니?

나. 너는 신문도 안 읽니?

Яна 'до' қуйидаги каби олдиндаги сўзга урғу бериб ҳис-ҳаяжонни билдириш ҳолатларида ҳам ишлатилади.

(7) 가. 눈이 많이도 왔다.

나. 고향이 몹시도 그립다.

다. 아마도 오겠지?

라. 참 예쁘기도 해라.

Яъни, '도' '많이, 몹시, ' каби даражаларни ифодалайдиган равиш ёки '아마' каби тахминни ифодалайдиган равиш, ҳамда от шаклини берувчи қўшимчадан кейин қўшилиб урғу ва ҳайратланиш маъносини ифодалайди.

**Танлаш маъносини ифодалашда ишлатиладиган ёрдамчи келишик қўшимчалари**

Танлаш маъносини ифодалашда фойдаланиладиган ёрдамчи келишик қўшимчаларидан '(이)나, (이)든지, (이)나마, (이)라도' кабилар бор.

가. 맥주든지 소주든지 아무거나 마시자.

나. 소주나 마시자.

다. 선생님께 조금이나마 보답하고 싶습니다.

라. 이거라도 먹을래?

'(이)든지' бир нечтанинг ўртасидан биттасини танлаган пайтда ишлатилиб, '(이)나' қоникмаса ҳам ҳозирги ҳолатда энг яхши танлов деб хисоблангaнда ишлатилади. Ҳамда '(이)나마' билан '(이)라도' танловнинг асоси йўқ бўлиб иложсизликдан танлашдан бошқа илож йўқ вазиятда ишлатилади. Бу вақтда '이' нинг олдидаги сўз ундош билан тугайди.

**Таянч сўзлар:** 보조사, 격조사, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사, 주어, 목적어, 조사

**Мавзу бўйича саволлар**

1) Истисно ёки чеклаш маъносини ифодаловчи ёрдамчи кўшимчаларга гаплар тузинг

**2)** Корейс тилидаги қамраб олиш ёки кучайиш маъносини ифодалаб келувчи ёрдамчи кўшимчалар гапда қандай вазифани бажариб келади?

**3)** 도, 조차, 마저, 까지 ёрдамчи кўшимчаларининг қайсилари қай ҳолларда ишлатилади?

**Адабиётлар:**

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005

3. Корейсча-русча луғат

## 13-МАВЗУ
## БОҒЛОВЧИ КЕЛИШИК ҚЎШИМЧАЛАРИ

### 13-дарснинг амалий машғулот режаси

**1.** Корейс тилидаги боғловчи келишик қўшимчалари
2. Келишик қўшимчаларининг қўшилиб келиши
3. 격조사 II+격조사 I ҳолати
4. 보조사 II+격조사 I ҳолати
5. 격조사 II+보조사 I ҳолати
6. 보조사 II+보조사 I ҳолати
7. 격조사 II+보조사 II ҳолати
8. 격조사 II+격조사 II) ҳолати

**Ўкув мақсади**: Талабаларда корейс тилидаги боғловчи келишик қўшимчалари, уларнинг қўлланилиш усуллари ва ўзаро қўшилиб келиши ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш.

Боғловчи келишик қўшимчаси деб от ва отни тенг равишда боғлаб берадиган келишик қўшимчаларига айтилади. Ёрдамчи *келишик қўшимчаси олдиндаги сўзга қандай маънони қўшиб беришига* нисбатан боғловчилар фақат бир-бирига боғлиқ отларни боғлаб берадиган вазифани бажаради. Қуйидаги мисолларда кўринадиган '와/과, 하고, (이)랑, (이)며, 에다' кабилар иккидан ортиқ от ёки от вазифасини бажарувчи сўзни бир хил шаклда боғлаб туради. Бироқ, '와/과' матн ёки гапда фарқ қилмаган ҳолда иккиси ҳам ишлатилиб, '하고', ' (이)랑', ' (이)며' ва '에다' лар асосан гапларда ишлатилади.

(1) 가. 미애 (와/과, 랑, 하고) 진수는 친구 사이이다.

나. 떡이랑 과일이랑 많이 먹었다.

다. 잔칫상에는 배며 대추며 사과며 여러 가지 과일이 차려져 있었다.

라. 밥에다 떡에다 잔뜩 먹었다.

Булар боғловчи келишик қўшимчалари боғлаб берадиган бўлимлар кўп бўлган вақтда такрорланиб ишлатилади, '하고' билан '(이)랑' тартиб билан келадиган охирги бўлимдан сўнг ҳам келиши ёки келмаслиги ҳам мумкин бўлади, лекин '와/과' тартиб билан келадиган охирги бўлимдан сўнг кела олмайди.

(2) 가. 사과와 배와 감이 한국 사람들이 즐겨 먹는 과일이다. (O)

나. 사과와 배와 감과가 한국 사람들이 즐겨 먹는 과일이다. (X)

(3) 가. 사과하고 배하고 감이 한국 사람들이 즐겨 먹는 과일이다. (O)

나. 사과하고 배하고 감하고가 한국 사람들이 즐겨 먹는 과일이다. (O)

**Келишик қўшимчаларининг қўшилиб келиши**

Корейс тилида от ёки от вазифасини бажарувчи сўзга иккитадан ортиқ қўшимча қўшила олади. Бундай қўшимчалар қўшилиб келишининг асосан белгиланган тартиби бўлади.

(1) 가. 여기(까지+가) 우리 땅입니다.

나. 나에겐 남편(만+ 이) 진정한 친구이다.
다. 제가 이것을 산 곳은 여기(에서+ 가) 아닙니다.
라. 한국(에서+ 는) 어른들에게 머리를 숙여 인사를 합니다.
마. 아니, 여기(에서+ 도) 졸고 있으면 어떡해?
(2) 가. 철수(가+는) 학생입니다. (X)
나. 철수(는+ 가) 학생입니다. (X)

Юқоридаги мисоллар орқали 이/가 кўпинча бошқа қўшимчалардан кейин келиб, 에서 бошқа қўшимчалардан олдин келишини кўришимиз мумкин. Шунингдек (2) орқали қайси қўшимчалар бирга кела олмаслигини ҳам билиб олишимиз мумкин. Буни янада батафсил тушунтирсак қуйидагича бўлади.

Биринчидан, жойлашиш томонидан келишик қўшимчаларини қуйидаги 4 турга бўлишимиз мумкин.

(3)

| Қўшимчанинг турлари | Мисоллар |
|---|---|
| 격조사 I Келишик I (бош, тушум, қаратқич келишиклари) | 이/가, 을/를, 의 |
| 격조사 II Келишик II (равиш келишиги) | 에, 에게, 에서, (으)로, 와/과, 처럼, 보다 |
| 보조사 I Ёрдамчи келишик қўшимчалари I | 은/는, 야, 도, (이)나, (이)라도 |
| 보조사 II Ёрдамчи келишик қўшимчалари II | 만, 까지, 다가, 밖에, 부터, 조차 |

Иккинчидан, келишик I билан ёрдамчи келишик қўшимчалари I ўзаро биргаликда ишлатилмайди, ҳар доим бошқа қўшимчалардан кейин келади.

Учинчидан, келишик I билан келишик II бирлашганда келишик I ҳар доим келишик II дан кейин келади. Буни қуйидаги мисолларда кўриб ўтамиз.

(4) (격조사 II+격조사 I)
가. 에-의, 에게-의, (으)로-의, 에서-의, 와/과-의
나. 에게-가, 에서-가
다. 에-를, 에게를

(4 가) мисолида келишик II га '의' қаратқич келишиги қўшилиб келган (4 나) да эса келишик II га '이/가' бош келишик

кўшимчаси кўшилиб келган. (4 다) мисолида келишик II га '를' тушум келишиги кўшилиб келган.

돋보기

Юкорида (4 나) даги каби '이/가' бош келишиги келишик II дан сўнг келадиган ҳолат бу умуман олганда '-이/가 아니다' дан олинган ҳисобланади. (4 다) мисолида кесим '가다' ёки '주다' бўлган ҳолларда кўпинча ишлатилиб бу пайтда '를' кўшимчаси 'ㄹ' га қисқариши одатий ҳолдир. '어쩌자고 그곳엘 갔니?' ёки '상장을 그런 사람에겔 주다니!' каби мисоллар мавжуд.

Тўртинчидан, келишик I ва ёрдамчи келишик кўшимчалари II бирлашган вақтда келишик I ҳар доим ёрдамчи келишик кўшимчалари II дан кейин келади. Буни қуйидаги мисолларда кўриб ўтамиз.

(5) (보조사 II+격조사 I)

가. 만-이, 만-을, 만-의

나. 까지-가, 까지-를, 까지-의

다. 부터-가, 부터-를, 부터-의

Бешинчидан, ёрдамчи келишик кўшимчалари I ва келишик II бирга келган вақтда ёрдамчи келишик кўшимчалари I ҳар доим келишик II дан кейин келади. Қуйида мисоллар келтирилади.

(6) (격조사 II+보조사 I)

가. 에-는/야/도/나/라도

나. (으)로-는/야/도/나/라도

다. 에서-는/야/도/나/라도

라. 와/과-는/야(X)/도/나(X)/라도

Олтинчидан, ёрдамчи келишик кўшимчалари I ва ёрдамчи келишик кўшимчалари II бирга келган пайтда ёрдамчи келишик кўшимчалари I ҳар доим ёрдамчи келишик кўшимчалари II дан кейин келади.

(7) (보조사 II+보조사 I)

가. 까지-는/야/도/나(X)/라도

나. 다가-는/야(X)/도/나(X)/라도(X)

다. 밖에-는/야/도/나(X)/라도

라. 부터-는/야/도/나(X)/라도

마. 조차-는/야/도/나(X)/라도

바. 만-은/야(X)/도/나(X)/이라도

Юқорида кўриб ўтилганидек 보조사 II 보조사 I билан ҳам бирга ишлатилиши мумкин, бу пайтда 보조사 II доимо 보조사 I дан олдинда туради. Фақат 보조사 II орасидан '까지' келишик қўшимчаси '까지-밖에, 까지-만' каби 보조사 II га тааллуқли бир қисм келишик қўшимчалари билан ҳам бирга ишлатилиши томонидан истисно бўлади.

Еттинчидан, ёрдамчи келишик қўшимчалари II билан келишик қўшимчаси II бирга келганда ёрдамчи келишик қўшимчалари II ҳар доим келишик қўшимчаси II дан сўнг келади.

(8) (격조사 II+보조사 II)

가. 에-만/까지/다가/밖에(X)/부터(X)/조차

나. (으)로-만/까지/다가/밖에/부터/조차(X)

다. 에서-만/까지/다가(X)/밖에/부터(X)/조차

Юқорида кўриб ўтилганидек келишик қўшимчаси II ёрдамчи келишик қўшимчалари II билан ҳам бирга келади ва бу вақтда келишик қўшимчаси II доимо ёрдамчи келишик қўшимчалари II дан олдинда туради. Фақат '까지' ҳолатида '까지-보다, 까지-에' каби бир қисм келишик қўшимчаси II дан олдин юз бериши мумкинлиги сабабли истисно бўлиб келади.

Бошқа келишик қўшимчаларининг бирлашиш муносабатини таҳлил қилсак корейс тилининг келишик қўшимчалари қуйидаги каби тартибда келади.

(9) 조사의 결합 관계

가. 격조사 II + 보조사 II+격조사 I

나. 격조사 II + 보조사 II+보조사 I

Фақат келишик қўшимчаси II, яъни равиш келишик қўшимчаси ўзаро бирга кела олади ва бу бирлашиш муносабати қуйидаги каби бўлади.

(10) (격조사 II+격조사 II)

가. 에-로, 에게-로

나. 에게-처럼, 에게-보다, 에서-처럼, 에서-보다

다. 에서-와

**Таянч сўзлар:** 보조사, 격조사, 주격조사, 목적격조사, 관형격조사, 소술격조사, 보격조사, 허격조사, 주어, 목적어, 조사

## Мавзу бўйича саволлар

**1)** Боғловчи келишик қўшимчаларига мисоллар келтиринг

**2)** Корейс тилида келишик кўшимчаларининг кўшилиб келишининг қандай усуллари бор?

**3)** 격조사 II+격조사 I ҳолатига мисоллар келтиринг

**4)** 보조사 II+격조사 I ҳолатига мисоллар келтиринг

5) 격조사 II+보조사 I ҳолатига мисоллар келтиринг

6) 보조사 II+보조사 I ҳолатига мисоллар келтиринг

7)격조사 II+보조사 II ҳолатига мисоллар келтиринг

8) 격조사 II+격조사 II) ҳолатига мисоллар келтиринг

**Адабиётлар:**


1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.

2. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005

3. Корейсча-русча луғат

## КОРЕЙС ТИЛИ КЕЛИШИКЛАРИ ТИЗИМИ ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ МАЖМУИ

※ [1~3] 밑줄 친 것과 비슷한 뜻을 가진 것을 고르십시오.

1. 어제 모임에는 모두 왔어요.

다

좀

덜

꼭

2. 1 년 동안 한국어를 배웠어요.

공부했어요

배웠다

만들었어요

읽었어요

3. 언니와 같이 수영을 하러 갔습니다.

함께

자주

다

늦게

※ [4~6] 반대되는 뜻을 가진 것을 고르십시오.

4.

일찍－늦게

오늘－지금

어제－아침

내일－저녁

5.

앉다－서다

입다－신다

자다－벗다

타다－들다

6.

좋다－싫다

멀다-덥다

많다-길다

맛있다－예쁘다

※ [7 ~ 10] (    ) 안에 맞는 것을 고르십시오.
7.가 : 지금 뭐 해요?
나 : 친구에게 전화를 (          ).
걸어요
처요
와요
보내요
8.가 : 어느 것이 좋아요?
나 : 나는 이것이 마음에 (          ).

들어요
예뻐요
기뻐요
좋아요
9.가 : 우체국에서 뭐 했어요?
나 : 편지를 (          ).
보냈어요
만났어요
샀어요
찍었어요

10.가 : 어제 왜 학교에 안 왔어요?
나 : 감기에 (          ). 그래서 학교에 못 왔어요.
걸렸어요
아팠어요
만났어요
먹었어요
※ [11 ~ 12] <보기>와 같이 밑줄 친 부분을 고치십시오.

<보 기>
빵을 맛있어요. → 답 : ( 빵이 )

11.어제 친구를 <u>만날 거예요</u>.
만났어요.

만나요.
만나고 있어요.
만납니다.
12.일요일에는 수업이 없습니다. 그래서 학교에 <u>갑니다</u>.
안 갑니다
갈 겁니다
갑니다
갔습니다
※ [13~15] <보기>와 같이 (    ) 안에 맞는 것을 고르십시오.

<보 기>
오늘 오후(    ) 백화점에서 친구를 만났어요.
①-에 ② -를
❸ -가 ④ -에서

13.나는 파란색(    ) 좋아요.
-이
-으로
-을
-에
14.월요일(    ) 금요일까지 회사에서 일을 합니다.
-부터
- 과
-에
-한테
15.아침에 빵(    ) 우유를 먹었어요. 그리고 과일(    ) 먹었어요.
-과, -도
-을, -도
-와, -을.
-과, -은

※ [16~19] <보기>와 같이 (    ) 안에 <u>맞지 않는 것</u>을 고르십시오.

<보 기>

가 : 밥 먹었어요?

나 : 아니오, (            ).

① 안 먹었어요 ② 못 먹었어요

③ 먹지 않았어요 ❹ 잘 먹었어요

16.가 : 다음 주 토요일에 뭐 해요?

나 : 영화 보러 (            ).

갔습니다

갈 거예요

가려고 해요

가기로 했어요

17.가 : 저하고 같이 공부할까요?

나 : 네, 같이 (            ).

공부하세요

공부할게요

공부해요

공부합시다

18.가 : 왜 병원에 갔어요?

나 : 아픈 친구를 (            ) 병원에 갔어요.

만나면

만나고 싶어서

만나러

만나려고

19.가 : 이 노래 알아요?

나 : 네, 전에 (            ).

들을 거예요

들어 봤어요

들어 본 적이 있어요

들었어요

※ [20 ~ 21] <보기>와 같이 틀린 것을 고르십시오.

<보 기>

아이스크림을 ①먹는 배가 ②많이 ❸너무 ④아파요.

20. 지금 아이가 방에서 자요. 그리고 시끄럽게 떠들지 마세요.

그리고

떠들지 마세요

지금

자요

21.

은행에 사람들이 너무 많아요. 한 시간 전에 다시 오겠어요.

전에

다시

너무

많아요

※ [22 ~ 23] 다음 글을 읽고 질문에 답하십시오.

진영 : 이번 휴가 때 여행가세요?

미수 : 네, 가족들과 함께 설악산에 가려고 해요.

진영 : 저도 작년에 가족들과 설악산에 갔다왔어요. 설악산이 정말 ( ㉠ ). 꼭 다시 한번 가고 싶어요. 그런데 언제 가세요?

미수 : 내일 ( ㉡ ).

진영 : 그럼 잘 다녀오세요.

22. ㉠에 알맞은 것을 고르십시오.

아름다웠어요

따뜻했어요

비쌌어요

무서웠어요

23. ㉡에 알맞은 것을 고르십시오.

갈 거예요

갈까요

갑시다

갔어요

※ [24 ~ 25] (      ) 안에 맞는 것을 고르십시오. (각 3 점)

24.가 : 부산에 뭐 타고 갈까요?

나 : 기차를 타고 (          ).

갑시다

가는 것 같아요

갔어요

가고 있어요

25. 가 : 시험 끝난 다음에 뭐 했어요?

나 : 시험이 (          ). 수영하러 갔어요.

끝났지만

끝나기 전에

끝나고

끝날 때

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Им Хо Бин, Хон Гён Пхё, Чвнг Сук Ин, Конг Чо. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул, 2001.
2. Ким Фил. Современная грамматика корейского языка. Алма-Ата.2002
3. Ким Чэн Сук. «Грамматика корейского языка для иностранцев» в 2 ч. С, 2005
4. Со Чонг Су. Грамматика корейского языка. Изд-во университет Ханянг.2003.
5. 국어문법. Сеул. 2003.
6. 고려대러시아문화연구소 2004.
7. Корейсча-ўзбекча луғат

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ ........................................................................................ 3
1-МАВЗУ. КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР ........................................................................................ 4
2-МАВЗУ. ҚЎШИМЧАНИНГ ХУСУСИЯТЛАР ВА ТУРЛАРИ ........................................................................................ 8
3-МАВЗУ. БОШ КЕЛИШИК........................................................................................ 12
4-МАВЗУ. БОШ КЕЛИШИКНИНГ ҚИСҚАРИШИ ........................ 18
5-МАВЗУ. ТУШУМ КЕЛИШИГИ ........................................................................................ 23
6-МАВЗУ. АНИҚЛОВЧИ ВА ҲОЛНИ ИФОДАЛОВЧИ ҚЎШИМЧА ........................................................................................ 27
7-МАВЗУ. ҲАРАКАТ ТАЪСИР ҚИЛАДИГАН ЖОЙ (РАВИШ КЕЛИШИГИ) ........................................................................................ 32
8-МАВЗУ. ВАҚТНИ ИФОДАЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН РАВИШ КЕЛИШИГИ........................................................................................ 36
9-МАВЗУ. РАВИШ КЕЛИШИГИ – УМУМИЙЛИК ВА ЖУФТЛИК ........................................................................................ 41
10-МАВЗУ. САБАБНИ ИФОДАЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН РАВИШ КЕЛИШИГИ........................................................................................ 45
11-МАВЗУ. 보조사 –ЁРДАМЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ........................ 50
12-МАВЗУ. ИСТИСНО ЁКИ ЧЕКЛАШ, ҚАМРАБ ОЛИШ ЁКИ КУЧАЙИШ, ТАНЛАШ МАЪНОСИНИ ИФОДАЛАШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЁРДАМЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ............... 54
13-МАВЗУ. БОҒЛОВЧИ КЕЛИШИК ҚЎШИМЧАЛАРИ............... 58
КОРЕЙС ТИЛИ КЕЛИШИКЛАРИ ТИЗИМИ ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ МАЖМУИ........................................................................................ 64
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ........................................................................................ 70

5000

*Эшимова Шарофат Кенжабоевна*

КОРЕЙС ТИЛИ КЕЛИШИКЛАРИ ТИЗИМИ

Ўқув-услубий қўлланма

Муҳаррир С.Каримова
Мусаҳҳиҳ З.Усмонова
Тех.муҳаррир Ш.Абдурахимов

Гувоҳнома №10-3512

29.05.2019 йилда босишга рухсат этилди
Шартли босма табоғи 4,5. Қоғоз бичими 60х84 1/16.
"Times" гарнитураси. Адади 20 нусха. Буюртма № 271.

СамДЧТИ нашр-матбаа маркази босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 140104, Самарканд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.